БИТИН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 142 (6569)

17 ИЮЛЬ 1946 йил ЧОРШАНБА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА. Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхоз мол-мулкини талон-тарож этишга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида (1-нчи ва 2-нчи бетлар).

Я. Серий. — 1916 йиллаги миллий озодлик қўзғолони арафасида Туркистон (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. Пазарий конференция (2-нчи бет).

Ш. Рашидов. — Қолоқ колхозлар блан ишлашни большевикча уюштирайлик (3-нчи бет).

Колхозчи ўртоқлар! Меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ғўзани парвариш қилишда кейинда қолишга қотма бермайлик! (3-нчи бет).

Л. Эргашев. — Қанд лавлаги ўсишдан қолмоқда (3-нчи бет).

Х. Абутолипов, Ғ. Аҳмадий. — Сельмашчилар ўз ишларида бурилиш ясамоқдалар (3-нчи бет).

Ҳ. Ҳасанов. — П. Н. Миклуха-Маклай (4-нчи бет).

Р. Файзий. — Иккинчи республика баднй ҳаваскорлар олимпиадаси (4-нчи бет).

Михайлович ва унинг шерикларига ҳукм (4-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхоз мол - мулкини талон-тарож этишга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг бюроси та'кидлаб ўтадики, республикадаги колхозлар Улуғ Ватан уруши даврида давлат олдидаги мажбуриятларини шараф блан бажардилар, уларнинг талайгина қисми уруш давридаги қийин шароитда ўзларининг жамоат хўжалигини янада мустаҳкамлаш ҳамда колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш соҳасида жиддий муваффақиятларга эришдилар.

Шу блан бир қаторда колхозларнинг бир қисмида қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш фактлари кўп бўлди, бунинг натижасида уларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан заифланишларига йўл қўйилди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси ВКП(б) Марказий Комитетининг «Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети иши тўғрисида», Қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузиш, колхоз мол-мулкини талон-тарож этишга қарши курашни кучайтириш ва колхозларга нисбатан ма'мурий усуллар қўлланишдан иборат ярамас практикани тугатиш ҳақида 1944 йил 6 мартда чиқарган қарори мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда деб ҳисоблайди.

Бу масалалар Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетида, область, район партия комитетларида ва колхоз активларининг йиғилишларида кўп марта муҳокама қилинишига қарамай, бу соҳадаги жуда катта хато ва камчиликлар охиригача сиёсий ўткирлик блан фош қилинмади ва колхозларнинг мол-мулкини талон-тарож қилиш ҳамда ўғирлаш каби ярамас ҳолларга қат'ий хотима беришни та'минлайдиган зарур чоралар, колхоз кадрларини давлат интизомига ва қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялаш чоралари кўрилмади.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси бу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилгани ҳолда, ВКП(б) Марказий Комитетининг мазкур директиви қандай бажарилаётганлигини мунтазам суратда контроль қилиб турмади, колхозларда зарур тартиб жорий қилишда партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари олдига зарур талаблар қўймади. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси буни ўзининг жиддий хатоси деб ҳисоблайди. Бунинг натижасида бир қатор районларда Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш, колхозларга нисбатан ма'мурий усуллар қўлланиш, колхозларнинг пул маблағларини ва мол-мулкларини талон-тарож қилиш ҳамда ўғирлаш каби фактларга мас'улиятсизлик ва муросачилик блан қараш пайдо бўлди.

Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлими, область ва район партия комитетлари область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик артелининг Уставига қаттиқ риоя қилиш, колхоз мол-мулкини талон-тарож қилишларга ва хусусий мулкчилик майилларига қарши курашиш колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашнинг энг зарур шарти эканлигини назарда тутмай, ана шу энг муҳим ишга бир кампания деб қаралилар. Бунинг устига районлардаги раҳбар партия ва совет ходимларининг кўплари, шу жумладан район партия комитетларининг секретарьлари ва район ижроия комитетларининг раислари хуш'ёрликни бўшаштириб, колхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларида бўлган жиддий хато ва камчиликларни кўрмай қўйганлар, Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхозларнинг мол-мулкини талон-тарож қилиш ҳамда ўғирлаш каби фактларга бепарво қараб бошладилар, бирқатор холларда эса, уларнинг ўзлари давлатга қарши бўлган майилларга берилиб кетдилар, колхозлардан ҳарқандай нарсалар ундириб олиш ва уларга нисбатан ма'муриятчилик қилиш блан шуғулландилар.

Колхозларнинг раҳбар ходимлари район партия ва совет ташкилотларининг йўл қўйиб бериши ва контроль қилиб турмасликларидан фойдаланиб, ўзларини колхозларнинг ҳеч ким текширмайдиган хўжайинлари деб билдилар, Қишлоқ хўжалик артелининг Устави блан ҳисоблашмай қўйдилар. Қишлоқ хўжалик артелининг Уставида айтилишича, колхозчиларнинг умумий йиғилиши артельни идора қилишда энг юқори органдир, колхоз правленияси эса, фақат ижро этучи бир ташкилот бўлиб, колхоз иши учун ва унинг давлат олдидаги мажбуриятини бажаришн учун умумий йиғилиш олдида жавобгардир.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси партия ташкилотларида ўз-ўзини танқиднинг етарли даражада кучайтирилмаганлиги ва колхозлардаги партия а'золари ҳамда кандидатлари ўртасида сиёсий-тарбия ишларининг яхши уюштирилмаганлиги натижасида Қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузиш ва колхоз мол-мулкини талон-тарож қилиш каби ҳоллар кенг тарқалди, деб ҳисоблайди. Шунинг натижасидагина колхоз а'зоси бўлган коммунистлар Қишлоқ хўжалик артелининг Уставини ҳарқандай йўллар блан бузучиларга қарши курашда етакчи бўлиш ўрнига, кўп ҳолларда Уставни бузган ва социалистик мулкни талон-тарож қилган кишиларга эргашганлар ва кўпинча давлатга қарши йўлга кириб кетганлар.

Буларнинг ҳаммаси кўпгина колхозларнинг ташкилий-хўжалик аҳволи заиф бўлишига, уларнинг давлат топшириқларини бажармасликларига, мазкур колхозларда меҳнат интизомининг бўшашганлиги ва колхозчилар ўртасида хусусий мулкчилик майилларининг кучайишига асосий сабаб бўлди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси республикадаги колхозларда Қишлоқ хўжалик артели Устави қуйидагича жиддий суратда бузилаётганлигини аниқлайди:

Биринчидан, Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 2-нчи моддаси бузилмоқда. Томорқа ерларини белгиланган нормалардан ортиқча ўз бошимчалик блан кенгайтириш, колхоз ерларини қонунга хилоф равишда турли ташкилотларга ва айрим шахсларга бериш ва ҳатто сотиш йўли блан колхозларнинг жамоат ерлари талон-тарож қилинмоқда ва ўғирланмоқда.

Бу йил 3040 колхозда (барча колхозларнинг 45 процента) ўтказилган текшириш натижасида; шу нарса аниқландики, тўла бўлмаган ма'лумотларга қараганда, 49348 хўжаликнинг (мазкур колхозлардаги жам'и хўжаликларнинг 17 процента) Уставда кўрсатилганидан ортиқча 6357 гектар томорқа ерлари бўлган. Бу колхозларда колхоз а'зоси бўлмаган 1994 хўжалик жамоат ерларидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ва бундан ташқари 2000 гектарга яқин жамоат ери қонунга хилоф равишда турли ташкилотларга берилган.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 2-нчи моддасини кўпинча колхоз раҳбарларининг ўзлари, чунончи: правления раислари ва а'золари, қосилот советларининг раислари, ферма мудирлари, бригадирлар ва бошқа кишилар бузмоқда.

Андижон районида Шўрчи қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг раиси Қурбонов ўзининг томорқа ерини 1,5 гектаргача, Калинин қишлоқ советидаги Чкалов номли колхоз раиси Бадалбоев 0,5 гектаргача, Кўнчи қишлоқ советидаги Киров номли колхоз раиси Мусаев 0,8 гектаргача кенгайтирган.

Термиз районида Охунбобоев номли колхоз раиси Худойбердиевнинг 1 гектардан ортиқ, колхоз раисининг ўринбосари Ҳасановнинг 0,75 гектар, қишлоқ совети раиси Мусулмонқуловнинг 0,6 гектар томорқаси бўлган. Бу колхозда жам'и 41 гектар жамоат ери талон-тарож қилинган.

Хонқа районида Ленин номли колхоз раиси Йўлдошевнинг 3 гектар томорқаси бўлган. Горск районидаги Литвинов номли колхоз раиси Маматқуловнинг уч жойда шахсий экинзори бўлган. У ўз колхозида 0,22 гектарга шоли ва 0,28 гектарга жўҳори эккан. Бундан ташқари Каганович номли колхознинг жамоат ерндан 0,27 гектар ер олган.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси шуни та'кидлайдики, область ва районларда колхоз жамоат ерларининг талон-тарож қилинишига доир фактларни аниқлаш соҳасида бажарилган ишлар зарур натижаларни бермади. Бунга асосий сабаб шуки, ба'зи районларда район ташкилотлари раҳбарларининг ўзлари бу чораларга тўсқинлик қилдилар. Бундай раҳбарлар колхоз раислари блан тил бириктириб, жамоат ерларига қонунга хилоф равишда экин эктирганлар. Шу сабабдан, улар ана шу колхоз раисларини ва колхозларда ердан фойдаланиш тартибларини бузучи бошқа кишиларни ҳарқандай йўллар блан ҳимоя қилдилар.

Андижон районида 1945 йилда колхозларнинг 500 гектарга яқин жамоат ери талон-тарож қилинган. Район партия комитетининг илгариги секретари Исматов 1 гектар, район ижроия комитетининг раиси Холиқов ва район ер бўлимининг бошлиғи Исмоиловнинг бир ярим гектардан томорқаси бўлган.

Фарғона областининг Киров районида ўтказилган биринчи текшириш ҳеч қандай натижа бермади деса бўлади. Иккинчи марта текшириш ўтказилганда 463 гектар ортиқча томорқа борлиги аниқланди.

Бу райондаги ташкилотларнинг раҳбарларидан 22 киши колхозларнинг 14 гектар ерини қонунга хилоф равишда эгаллаб олган, шу жумладан район ижроия комитетининг раиси Убайдуллаев 0,27 гектар, Ички ишлар министрлиги район бўлимининг бошлиғи Нупрейчик 0,5 гектар, район прокурори Эркабоев 0,65 гектар, район ер бўлимининг бошлиғи Раҳимов 0,5 гектар, халқ судьяси Холиқов 0,8 гектар ер олган.

Наманган областидаги Уйчи район ижроия комитетида ва бўлимларида 40 киши ишлагани ҳолда, 70 гектарча ерда ёрдамчи хўжалиги бўлган. Шу районда прокуратуранинг 3 ходими, чунончи прокурор, терговчи ва секретарь 1945 йилда 7 гектар ерга шоли эккан-лар.

1945 йилда пахта тайёрлаш планини бажармаган Норин районида район партия комитети ва район ижроия комитети томонидан қишлоқ советларига бириктирилган вакилларнинг кўпчилиги, шу жумладан коммунистларнинг колхозларда бир гектардан ва бундан ҳам ортиқ шолипоялари бўлган.

Иккинчидан, Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 12-нчи моддаси бузилмоқда. Правления раисларининг ўзлари ва ҳисобчиларнинггина ихтиёри блан колхозларнинг пул маблағлари қонунга хилоф равишда ўзбошимчалик блан сарф қилинмоқда, «қора кассалар» вужудга келтирилмоқда, дебитор ва кредитор қарзлар кўпаймоқда ҳамда ҳарқандай спекуляция найранглари авж олмоқда.

Йиллик ҳисобот ма'лумотларига қараганда, колхозлардан қарздорлик 1946 йил 1 январьгача 433 миллион сўмгача кўпайган, шу жумладан ўғирлик ва растрат 92 миллион сўмга етган. Растрат Тошкент, Бухоро, Андижон ва Самарқанд областьларида айниқса авж олган. Кредиторлик қарзи 506 миллион сўмга етган.

Қишлоқ хўжалик артелининг Уставида кўрсатилишича, барча даромадлар тушган куниёқ артельнинг кирим қисмига албатта ёзилиши керак, правления маблағларни колхознинг умумий йиғилишида тасдиқланган сметага мувофиқ сарф қила олади. Аммо, колхозларда талайгина пул маблағларининг қонунга хилоф равишда, назоратсиз сақланаётганлигини, колхозчиларнинг рухсатисиз сарф қилинаётганини, чайқовчилик мақсадида ҳарқандай ярамас иш қилинаётганлигини кўрсатадиган жуда кўп фактлар бор.

Бухоро областидаги колхозлар 1945 йилда 57 миллион сўм миқдоридаги маблағни Давлат банкида расмийлаштирмай туриб, сарф қилганлар. Фарғона районидаги Куйбишев номли колхозда колхоз савдосидан тушган дегаи баҳона блан 700 минг сўмдан ортиқроқ пул ҳатто, бухгалтерия ҳисоботида ҳам акс этдирилмаган ва талон-тарож қилинган.

Ҳархил муттаҳамларга ҳақ тўлаш учун кўплаб пул сарф қилинади. Бундай муттаҳамлар колхозларнинг раҳбарларини йўлдан уриб, қонунга хилоф операциялар ва қалбаки ишлар қилишга ундайдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси даставвал, талайгина колхозларнинг молия ишлари тамомила ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги орқасидагина шундай ярамас ҳоллар юз бериши мумкин деб ҳисоблайди.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари колхозларнинг молиявий ишларини кун сайин назорат қилиб турмайдилар ва бу соҳада Ер ишлари министрлиги ва Техника экинлари министрлигининг маҳаллий органларида ишловчи ходимлар олдига тегишли талаблар қўймайдилар, район ер бўлими ва техника экинлари бўлимлари эса, кўпинча колхозларнинг йиллик ҳисоботларини юзаки кўриб чиқиш блангина чекланадилар.

Ер ишлари министрлиги ва Техника экинлари министрлигининг тафтиш-назорат аппарати мутлақо қониқарсиз ишламоқда. Бу министрликларнинг район бўлимлари бир йил ичида камида икки марта колхозларнинг молиявий ишларини текшириб чиқишлари керак. Амалда эса, 1945 йилда колхозларнинг талайгина қисмида фақат бир марта текшириш ўтказилган, 1200 колхозда эса, мутлақо текшириш ўтказилмаган.

Колхозларнинг кўпчилигида тафтиш комиссиялари фақат қоғоздагина бор. Улар ўз вазифаларини бажармайдилар. Қишлоқ хўжалик артелининг Уставида тафтиш ишлари ҳар 3 ойда мунтазам равишда ўтказиб турилиши лозим деб кўрсатилган бўлса ҳам, онда-сонда, юзаки тафтиш қилинади. 1945 йилда колхозларнинг кўпчилигида атиги 1—2 марта тафтиш ўтказилган. 379 колхозда эса бутун бир йил мобайнида мутлақо тафтиш қилинмаган.

Учинчидан, колхозларга ма'муриятчилик қилинмоқда. Бу ма'муриятчилик шундан иборатки, қонунга хилоф равишда маблағ ва бошқа нарсалар олиш каби давлатга қарши ишлар қилинмоқда ва колхозларнинг маҳсулотини колхоздан ташқарига сарфлаш тўғрисида қонунга хилоф талаблар қўйилмоқда.

Каган район ижроия комитети кўрлар жамиятига колхозлардан мажбурий тартибда пул олиш тўғрисида қарор чиқарган. Қарши район ижроия комитети Охунбобоев номли колхозга Қарши шаҳрида йўлқалар қуриш учун 10 кубометр ёғоч бериш мажбуриятини юклаган, бу ёғочнинг пули тўланмаган ва уларни колхознинг ўзи ташиб бериши лозим бўлган.

Ургут район ижроия комитети раисининг ўринбосари Азимов Куйбишев номли колхозга Калинин номли колхоз раиси Ҳайдаров учун 6 минг сўм беришни буюрган ва бу пулни колхоз ҳисобига қабул қилдирган. Китоб район ер бўлимининг бошлиғи Назаровнинг ёзма фармойишига мувофиқ, «Қизил Октябрь» колхозидан милиция ходимларига 50 килограмм шоли, ер бўлимининг бош агрономи Ишченкога 30 килограмм дон ва 5 метр шойи берилган. Назаров шу колхоздан ўзи учун 50 килограмм шоли олган. Шундан кейин колхоз раиси тўё тегишли «мукофот» ҳисобига ўзбошимчалик блан 100 килограмм бўғдой ва бир қўй олган.

Сўх район ижроия комитетининг раиси Бобокалонов «Қизил Шарқ» колхозига бир отни 11 минг сўм ва 300 килограмм шоли баравариг сотган. Лекин у тез орада отини қайтариб олган. Қорасув район сув хўжалик бўлимининг бошлиғи Акбаров Тимирязов номли колхоздан «қарз тариқасида» 20 минг сўм пул, 100 килограмм гуруч, 100 килограмм ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олган. Лекин у буларни колхозга қайтариб бермаган. 1-нчи Оҳангарон МТСнинг директори Икромиддинов 1945 йилда райондаги 10 колхоздан 18 минг сўмга яқин пул, 113 килограмм гўшт, 27 килограмм ёғ, 80 килограмм ун, 184 килограмм бўғдой, 255 килограмм шоли олган.

Районлардаги ба'зи ходимларнинг қонунга хилоф шундай ҳаракатлари уларнинг давлат ва партия интизомини уриб қўйганликларини кўрсатади. Бу ҳол жиноятларни хас-пўшлаб кетишга сабаб бўлади, колхозларнинг жамоат хўжалигига путур етказади: Область партия комитетлари колхозларга ма'муриятчилик қилиш ва колхозлардан қонунга хилоф равишда пул ва мол олинаётганлиги тўғрисида ма'лумот олган бўлсалар ҳам бунга катта эътибор бермайдилар, бундай фактларга юзаки қараш ва уларни юзаки текшириш блан чекландилар, кўп ҳолларда эса, берилган ма'лумотларни оқибатсиз қолдирдилар.

Колхоз ерларини талон-тарож қилган айбдорлар — район ташкилотларининг ходимлари ва колхозларнинг раҳбарлари, шунингдек колхозлардан қонунга хилоф равишда маблағ ва бошқа нарсалар тўплаш блан шуғулланучилар область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари томонидан уларга муросачилик блан қаралганлиги натижасида кўп ҳолларда жазоланмасдан келдилар.

Тўртинчидан, Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 11 ва 12-нчи моддалари бузилмоқда. Колхозлардаги пул ва натура даромадларини тақсимлаш ва колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби қўпол равишда бузилмоқда. Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 11 ва 12-нчи моддаларига мувофиқ, колхоз давлат олдидаги мажбуриятларини бажариб, хўжалик эҳтиёжлари ва махсус фондларга белгиланган миқдорда маҳсулот ва пул маблағлари ажратилганидан кейин, колхоз натура ва пул даромадларининг қолган ҳамма қисмини колхозчиларга уларнинг меҳнат кунларига қараб тақсимлаб бериши керак.

Йиллик ҳисобот ма'лумотларига қараганда, 1945 йилда пул даромадларининг атиги 33 процента меҳнат кунларига тақсимланган.

Колхозчиларнинг ишлаган меҳнат кунлари учун тўланадиган ҳақ юзасидан 1946 йил 1 январьгача колхозларнинг ўлардан қарзи молия интизомининг кўпол равишда бузилиши ва пул маблағларининг нотўғри сарфланиши натижасида 278,3 миллион сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, колхозчилар ўтган йиллар учун 123,5 минг центнер дон кам олганлар. Айни замонда бошқа бир колхозчилар гуруҳининг колхоздан ортиқча олган авансидан 475,6 миллион сўм миқдорида қарз йиғилиб қолган. Колхозда қарздорларнинг асосий гуруҳи кўп ҳолларда колхоз правленияларининг раислари ва раис ўринбосарлари, ферма мудирлари, хўжалик мудирлари, бухгалтерлар ва уларга яқин турган кишилардан иборат.

Бундай ҳолларнинг ҳаммаси ҳалол ишловчи колхозчиларнинг ҳақига зарар етказади, уларнинг жамоат меҳнатидан манфаатдорлигини камайтиради ва колхозчилар оммасини пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш ҳамда колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш йўлидаги курашни уюштиришга халақит беради.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси колхозларда Қишлоқ хўжалик артели Уставининг ва давлат интизомининг бундай бузилиши кўп колхозларнинг ишлабчиқариш соҳасидаги фаолиятини бўшаштиради ва изидан чиқаради, ҳамда пахтачиликни юксалтириш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишига тўсқинлик қилиши мумкин деб ҳисоблайди. Қишлоқ хўжалиги артели Уставининг ва давлат интизомининг ҳуди шу тариқада бузилиши сўнгги йил ичида республикада қолоқ колхозлар сонининг кўпайишига, 1945 йилда 1886 колхознинг пахта тайёрлаш планини бажармаслигига, 69 минга яқин колхозчининг меҳнат кунлари минимумини бажармаслигига, 5,5 минг колхозчининг жамоат меҳнатида мутлақо қатнашмаслигига асосий сабаблардан бири бўлди.

Колхозларда ана шундай ярамас ҳолларни кўрмаслик ва уларга э'тибор қилмаслик сиёсий жиҳатдан кўрлик қилиш, колхозлар ҳаётидан ажралиб қолиш демакдир, ўртоқ Сталининг партия ташкилотлари колхоз ҳаёти ва колхозга раҳбарлик қила билишни ҳар жиҳатдан яхши билишлари керак, ўз вақтида ёрдам бериш ва колхозларга таҳдид қиладиган хавфнинг олдини олиш учун колхозларнинг ҳамма ишини билишлари керак, деб берган кўрсатмасини унутиш демаклир.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси айрим колхозлардаги тартибсизликлар тўғрисида колхозчиларнинг шикоят ва аризалари юзасидан ўз вақтида чора кўрмаслик—область, район партия комитетларининг ишидаги энг катта хато деб ҳисоблайди.

Фарғона область партия комитети Фарғона районидаги Куйбишев номли колхозда ишлар кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида ма'лумот олгани ҳолда, бунга э'тибор қилмаган. Колхознинг хўжалик-молиявий аҳволини текшириш учун область партия комитети томонидан юборилган комиссия гарчи бу колхоздаги ярамас ҳолларни очиб ташламаган бўлса ҳам, колхоз раҳбарларининг бирқанча жиноятини фош қилган. Область партия комитети икки ой мобайнида ҳатто комиссиянинг материалларини ҳам муҳокама қилмаган ва область партия комитети бюросининг ба'зи а'золари Куйбишев номли колхознинг аҳволи тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни талаб этган бўлсалар ҳам, бунга э'тибор қилинмаган. Провардида шу нарса аниқландики, Куйбишев номли колхозда колхознинг илгариги раиси Шаропов бошчилигида колхоз мулкини талон-тарож қилган шайка узоқ вақт ишлаб келган, бу шайка колхознинг кўп пул маблағларини ўғирлаган ва талон-тарож қилган.

Карл Маркс номли колхоз а'золарининг бир гуруҳи Оржоникидзе район ижроия комитетига мурожаат қилиб, колхозчиларнинг бирнеча йил мобайнида меҳнат кунлари юзасидан ҳеч қандай даромад олмаганликларини, колхоз олаётган кўп даромад правления томонидан талон-тарож қилинаётганлигини билдириб шикоят қилган. Район ижроия комитети бу шикоятга биноан Карл Маркс номли колхозда тафтиш ўтказган. Тафтиш мазкур колхоздаги ғоят ярамас ҳолларни ҳамда молиявий ишлаги суи истеъмолларни аниқлаган. Аммо, район ташкилотлари тафтиш натижаларини муҳокама қилмаганлар ва Карл Маркс номли колхознинг аҳволини яхшилаш учун ҳеч қандай чора кўрилмаган. Колхозчилар иккинчи марта ариза берганларидан кейин район партия комитети бу масалани кўриб чиққан бўлса ҳам бир қарорга келмаган. Карл Маркс номли колхозда жиноятчи унсурлар жазосиз қолмоқдалар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси республика колхозларида қишлоқ хўжалик артели уставини бузишдан иборат зарарли ишларнинг кенг ёйилганлиги, колхоз мол-мулкининг талон-тарож қилинаётганлиги ва колхозларга ма'муриятчилик қилинаётганлиги ана шундай бузилишларга қарши ғоят кескин кураш олиб боришни талаб этади, барча партия ташкилотлари ана шундай фактларни ва давлат интизомини бузучи кишиларни уларнинг ким бўлишига қарамай, қат'ий фош қилишларини талаб этади, деб ҳисоблайди. Токи яқин орада барча колхозларда тартиб жорий қилинсин ва шу асосда колхозларнинг жамоат хўжалиги мустаҳкамлансин, барча колхозлар давлат олдидаги мажбуриятларини сўзсиз бажарсинлар ва колхозчиларнинг моддий аҳволи яхшилансин.

Шунга биноан, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси қарор қилади:

1. Республикадаги кўпгина район ва колхозларда Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиши, шунингдек партия ва совет ташкилотлари, Техника экинлари министрлиги ва Ер ишлари министрлигининг бундай фактларга муросачилик блан қараши колхоз тузимига, давлатга қарши иш деб қораласин.

Колхозларда жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва қаттиқ давлат интизомини ўрнатиш учун курашни кучайтириш—Ўзбекистон партия ташкилотининг энг муҳим ва энг зарур хўжалик-сиёсий вазифаси деб ҳисобласин. Бу вазифа республикада қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, Иттифоқ ҳукуматининг 1946 йил 2 февральда чиқарган қарорига мувофиқ, пахтачиликни тезликда тиклаш ва юксалтириш учун асосий шартларнинг бири эканлигини эсда тутиш керак.

2. Шу йил июль ойининг охиригача область ва район партия комитетларининг пленумларини ўтказиш зарур деб ҳисобласин. Бу пленумларда «Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузучиларга ва колхоз мол-мулкларини талон-тарож қилучиларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги масала махсус муҳокама қилинсин.

Область партия комитетларининг пленумларини ўтказиш учун Марказий Комитет а'золаридан ўртоқ Юсупов—Фарғона ва Андижонга юборилсин, шунингдек ўртоқ Юсуповга Тошкент область партия комитетининг пленумини ўтказиш топширилсин; ўртоқ Ломакин Самарқандга, ўртоқ Билбас Бухоро ва Қаршига, ўртоқ Кабанов Наманганга, ўртоқ Мирзаахмедов Нукусга, ўртоқ Мўминов Хорезмга, ўртоқ Петров Термизга юборилсин.

Область партия комитетларига район партия комитетларининг пленумларини ўтказиш учун область партия комитетлари бюро а'золарини юбориш мажбурияти юклансин.

3. Область ва район партия комитетларининг пленумларидан кейин колхоз активларининг область ва районаро кенгашлари, шунингдек район кенгашлари ўтказилсин, шунингдек колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг мажлислари ўтказилсин. Бу кенгаш ва мажлисларда юқорида айтилган масала муҳокама қилинсин.

Область ва район партия комитетларига колхоз активларининг кенгашларида ва бошланғич партия ташкилотларининг мажлисларида область ва район раҳбар ходимларининг иштирок этишини та'минлаш топширилсин.

4. Область ва район партия комитетларининг пленумларида, колхоз активларининг кенгашларида ва бошланғич партия ташкилотларининг мажлисларида колхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги мавжуд хато ва камчиликларнинг ҳаммаси тўғрисида шафқатсиз танқид ва ўз-ўзини танқид қизитиб юборилсин, Қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузаётган кишилар ва колхоз мол-мулкини талончилар, шунингдек уларга нисбатан муросачилик қилаётган кишилар фош қилинсин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхоз мол-мулкини талон-тарож этишга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

5. Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ва Қишлоқ хўжалик артелининг Уставига риоя қилиш соҳасида республика Ер ишлари министрлиги ва Техника экинлари министрлигининг ишларини қониқарсиз деб топиб, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси бу министрликларнинг раҳбарларидан—Муҳаммаджонов ва Раҳимов ўртоқлардан марказий аппаратдан тортиб, район бўлимларигача бутун системанинг ишларини жиддий суратда қайтадан қуришни, колхоз қурилиши, колхозларда молия интизоми масалаларига, ишлабчиқаришнинг асосий воситаларини мустаҳкамлашга ва жамоат мулкини талон-тарож қилучилар билан курашишга асосий эътибор берилишини талаб этади.

Муҳаммаджонов ва Раҳимов ўртоқлаога ўз системаларининг шу соҳадаги ишларини яхшилаш юзасидан кўриладиган тегишли чоралар планини 10 кун ичида Марказий Комитет қарамоғига тақдим этиш топширилсин.

6. Ер ишлари министрлиги ва Техника экинлари министрлигига, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетларига қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятни юклансин:

а) шу йил октябрь ойигача ҳамма жойда колхозчиларнинг томорқа ерлари паспасига текшириб чиқилсин ва текшириш натижаларига мувофиқ, Қишлоқ хўжалик артели Уставида белгиланган нормадан ортиқ бўлган ерларнинг ҳаммаси олинсин. Айни замонда турли ташкилотлар ва айрим шахслар қонунга хилоф суратда фойдаланаётган жамоат ерларининг ҳаммаси аниқланиб, колхозларга қайтариб берилсин;

б) икки ой мобайнида колхозларнинг растрат қилинган пуллари ва талон-тарож этилган мол-мулклари аниқлаб чиқилсин, шунингдек дебитор ва кредитор қарзларини тугатиш чоралари кўрилсин. Бунинг учун барча область ва районларда махсус комиссиялар тузилсин, шунингдек область, район ва колхоз активлари бу ишга жалб этилсин.

Республикада растратларни аниқлаш, дебитор ва кредитор қарзларни тугатиш соҳасидаги ишларга раҳбарлик қилиш Юсупов, Билбас, Кабанов, Раҳимов, Муҳаммаджонов, Кудрин, Аҳмедов (республика прокурори) ва Завгородний (ЎзССР Ички ишлар министрининг ўринбосари) ўртоқлардан иборат комиссияга юклансин.

Шу билан бирга колхозларда бундан буён кўп миқдорда кредитор ва дебитор қарзларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик чорасини доимо кўриб бориш бундай қарзларни тугатиш учун ўз вақтида чора кўриш зарурлиги кўрсатилиб, область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари, Ер ишлари министрлиги ва Техника экинлари министрлиги бу тўғрида огоҳлантирилсин;

в) колхозлардаги тафтиш комиссияларининг ишлари текшириб чиқилсин, уларнинг состави колхознинг синалган ва саводли а'золари билан мустаҳкамлансин, тафтиш комиссияларига йўл-йўриқ кўрсатилсин, улар Қишлоқ хўжалик артели Уставига амал қилиб, йилига тўрт марта колхозларнинг хўжалик-молиявий ишларини текшириб чиқишсин ва бу тўғрида колхозчиларнинг умумий йиғилишларида доклад қилишсин;

г) Қишлоқ хўжалик артелининг Уставига мувофиқ колхоз правлениялари раисларининг колхозларнинг хўжалик ва молия ишлари тўғрисида колхозчиларнинг умумий мажлисида систематик суратда ҳисоб бериб туришлари та'мин этилсин.

7. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари колхозларнинг жамоат ерларини талон-тарож қилишдан сақлаш учун айниқса жавобгардирлар, деб уларни яна бир марта огоҳлантиради ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳамда ССР Иттифоқи ҳукуматининг қарорларида кўрсатилган жазо чораларини сўзсиз қўлланишни талаб этади. Бу чоралар қуйидагилардан иборат:

а) колхозлардаги жамоат ерларининг талон-тарож қилинишига ва колхозчиларга Уставда кўрсатилган нормадан ортиқ томорқа берилишига йўл қўйган район партия комитетларининг секретарьлари ва район ижроия комитетларининг раислари, шунингдек партия ва совет ташкилотларининг бошқа ходимлари ишдан олинишлари, партиядан ўчирилишлари ва Қонунни бузучилар сифатида судга берилишлари керак;

б) томорқа ерларини ўлчовчи комиссия а'золари колхозчиларнинг томорқа ерларини, шунингдек колхоз а'зоси бўлмаган бошқа кишилар ихтиёридаги ерларни нотўғри ўлчасалар, қонунни бузучилар сифатида судга берилишлари керак.

Шу билан бирга Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси область партия комитетларидан колхозлардан пул ва маҳсулот олучи ҳамда колхоз мол-мулкининг талон-тарож қилинишига очиқдан-очиқ ёрдам беручи партия, совет ходимларига ва колхоз раҳбарларига нисбатан муросачилик қилишга қат'ий хотима беришни талаб этади.

8. Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишга хотима бериш ва колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш соҳасида қўйилган вазифа кенг колхозчилар оммаси бевосита ва актив қатнашгандагина муваффақиятли бажарилиши мумкинлигини назарда тутиб, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига қуйидаги чораларни бажариш мажбуриятини юклайди:

а) яқин вақтлар ичида барча колхозларда колхозчиларнинг умумий йиғилишлари ўтказилсин. Бу йиғилишларда Қишлоқ хўжалик артелининг Уставини яна бир марта ўқиб чиқилсин ва яхши тушинтириб берилсин ҳамда колхозларнинг ишларидаги мавжуд камчиликлар ва Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига доир фактларнинг ҳаммаси муҳокама қилинсин, бундай камчилик ва нуқсонларни йўқотиш учун амалий чоралар белгилансин;

б) жамоат ерларидан қонунга хилоф равишда фойдаланучиларни аниқлаш, растратларни, дебитор ва кредитор қарзларни топиш соҳасидаги ҳамма ишларга колхозчилар бевосита қатнаштирилсин. Шундай вазият вужудга келтирилсинки, бунда оддий колхозчилар Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузучиларни ва жамоат мол-мулкини талон-тарож қилучиларни фош қилишда актив ёрдам берсинлар.

9. Айрим колхозлардаги тартибсизликлар ва колхоз раҳбарларининг қонунга хилоф ишлари тўғрисида колхозчиларнинг берадиган шикоятлари ва аризаларига катта аҳамият бериб, шундай тартиб белгилансин, бундай ариза ва шикоятлар Марказий Комитет аппаратида, область, район партия комитетларида 15 кундан кечиктирилмай қараб чиқилсин.

Марказий Комитетнинг ташкилот-инструкторлик бўлимига ва қишлоқ хўжалиги бўлимига партия ташкилотларининг колхозчилар томонидан берилган аризаларни қараб чиқиш соҳасидаги ишларини мунтазам суратда текшириб туриш топширилсин.

10. Марказий Комитетнинг ташкилот-инструкторлик бўлимига, область ва район партия комитетларига колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, уларнинг ишларини мунтазам суратда текшириб туриш, айниқса партиянинг а'зо ва кандидатларини қоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда уларга ўз вақтида зарур ёрдам бериш, колхоз правлениялари раисларининг ишлабчиқариш соҳасидаги фаолиятини кун сайин назорат қилиб туришни уюштириш ва жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ҳамда Қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилиш учун кураш колхоз а'зоси бўлган коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш мажбуриятини юклайди.

Марказий Комитетнинг ташкилот-инструкторлик бўлимига колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг ишларини даставвал ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, сўнгра бошланғич ташкилот секретарьларининг ҳисоботларини Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бюросининг муҳокамасига мунтазам суратда қўйиб туриш топширилсин.

11. Марказий Комитет, область ва район партия комитетлари кадр бўлимларининг колхозлардаги раҳбар кадрларни таплаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларда йўл қўйган жиддий камчилик ва нуқсонлари колхоз раҳбарларининг қўнумсизлигига сабаб бўлади ва колхозларнинг ишлабчиқаришига жуда ёмон та'сир қилади ва бу ҳол бир қатор колхозларда Қишлоқ хўжалик артели Устави ҳамда давлат интизомининг бузилишидаги энг катта сабабларнинг бири деб хисоблаб, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси бу ишда мавжуд камчилик ва нуқсонларни қат'ий суратда тузатишни талаб этади. Колхоз раҳбарларини асоссиз суратда тез-тез алмаштириб туришга йўл қўйилмасин, асосий эътибор уларнинг ишларидаги айрим камчилик ва хатоларининг олдини олиш ва ўз вақтида тузатишга, колхоз активларини давлат интизомига, Қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялаш ва колхозчиларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш тўғрисида большевикча гамхўрлик қилишга қаратилсин.

12. Колхоз правлениялари раисларини колхозчилар умумий йиғилишининг рухсатисиз ишдан олиш ва ўзгартириш тақиқлансин, бу тартибни бузишда айбдор бўлган кишилар, колхозлардаги раҳбар кадрларга нисбатан ма'муриятчилик қилган кишилар сифатида жавобгарликка тортилсин.

13. Область ва район партия комитетлари колхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги амалий ишларида кўпинча Ер ишлари министрлиги, Техника экинлари министрлиги, Сув хўжалиги министрлигининг органларини менсимайдилар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз вазифаларини бажарган вақтларида уларнинг обрўсини туширадилар. Бу, мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб топилсин.

Область ва район партия комитетларига ана шундай ярамас усулни йўқотиш, Ер ишлари министрлиги, Техника экинлари министрлиги ва Сув хўжалиги министрлигига қарашли маҳаллий органларининг, агрономлар, гидротехниклар, механизаторлар, зоотехниклар, инструктор-бухгалтерларнинг обрўсини кўтариш, яхши ишлаш учун уларга зарур шароитни яратиб бериш ва шу билан бирга бу ходимлар олдига уларга топширилган иш юзасидан катта талаб қўйиш мажбуриятини юклансин.

14. Республика, область ва район газеталари колхоз қурилишига доир масалаларни мутлақо қониқарсиз ёритаётганликларини, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузучиларга қарши мунтазам ва қат'ий кураш олиб бормаётганини та'кидлаб, Марказий Комитетнинг пропаганда ва агитация бўлимига қуйидаги ишлар топширилсин:

а) яқин вақт ичида республика газеталари ходимлари ва область газеталари муҳаррирларининг кенгаши ўтказилсин. Бу кенгашда мавжуд камчилик ҳамда нуқсонларнинг ҳаммасини шафқатсиз танқид қилиш асосида, газета саҳифаларида бу масалаларни мунтазам ва кенг ёритишни та'минлайдиган амалий чоралар ишлаб чиқилсин;

б) Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлими ва Ер ишлари министрлиги ҳамда Техника экинлари министрлиги билан биргаликда бир ой ичида колхоз қурилишига доир масалалар юзасидан махсус брошюра ва қўлланмалар тайёрлаб, нашр этилсин.

15. Ушбу қарор қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Марказий Комитетнинг бюро мажлисларида область партия комитетларининг докладларини эшитиш зарур деб топилсин. Август ойида — Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм область партия комитетларининг, сентябрь ойида — Тошкент, Андижон ва Қорақалпоғистон область партия комитетларининг, октябрь ойида—Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё областъ партия комитетларининг докладлари эшитилсин.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Назарий конференция

Назарий конференцияга ВКП(б) тарихи ва марксизм классиклари асарларини мустақил ўқучилардан 33 киши қатнашди. Конференция қатнашчилари ВКП(б) тарихи юзасидан 4 кишининг докладини тингладилар.

Ўртоқ Девиллерс «Россия социал-демократик ишчи партиясининг тузилиши, партия ичида большевиклар ва меньшевиклар фракцияларининг пайдо бўлиши, рус-япон уруши ва биринчи рус революцияси даврида большевик ва меньшевиклар. Столипин реакцияси ва биринчи рус революцияси» мавзу'ларида доклад қилди. Докладчи ҳарбир мавзу' устида атрофлича тўхталиб ўтди. У Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталин асарларидан парчалар келтириб гапирди.

Ўртоқ Девиллерс Россия социал-демократик ишчи партиясининг ташкил топиши ҳақида гапириб, дастлаб 1901-1904 йилларда Россияда кўтарилган инқилобий ҳаракатга анализ ясаш. Докладчи 1901 йилда Петербургдаги Обухов ҳарбий заводида, 1902—1903 йилларда Батум, Ростов-Дон, Украина ва бошқа жуда кўп шаҳар ҳамда районларда бўлиб ўтган ишчи ва деҳқонларнинг инқилобий чиқишларини айтиб берди. У, чоризмнинг ишчилар ҳаракатини бостириш учун ваҳшийларча тутган сиёсати тўғрисида тўхталиб ўтди. Чоризм ишчи ва деҳқонларнинг инқилобий курашларини ўқ ва қамчи билан, инқилобчиларни қамаш ва ўлдириш билан бостирмоқчи бўлган эди. Аммо, чор охранкасининг ишчилар ҳаракатини бостириш йўлидаги уринини муваффақиятсиз чиқди. Ишчилар синфининг революцион кураши тобора ривожлана ва мустаҳкамлана борди.

Ўртоқ Девиллерс ишчилар синфининг ягона сиёсий партиясини вужудга келтириш йўлида В. И. Ленининг буюк хизматлари тўғрисида гапириб бундай деди:

— В. И. Ленин ишчилар синфининг сиёсий партиясини ташкил этмоқ учун дастлаб революцион, социал демократиянинг қоявий-сиёсий соҳадаги ишларини пропаганда-агитация қиладиган жанговар газетани вужудга келтириш зарур деб кўрсатди. Ўртоқ Ленин яна шу газетани вужудга келтирди. «Искра» газетаси партиянинг қоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслашувини тайёрлатди бирдан-бир сиёсий газета бўлиб хизмат қилди.

Докладчи В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак» деган китоби ҳақида тўхталиб, айтади:

— Владимир Ильич Ленининг «Нима қилмоқ керак» деган китоби ишчилар синфи партиясини ташкил этишга асос солди. Ленин партиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. В. И. Ленин шу машҳур китобида «экономистлар»нинг оппортунистик чиқишларини фош этди ва уларга қаттиқ зарба бериб, партияни тузиш ва унинг ролини ошириш вазифасини илгари сурди.

Ўртоқ Девиллерс докладининг охирида Ленин билан Сталин яратган партиянинг пролетариат революциясининг ғалабаси йўлида ва ишчилар синфининг ҳар қанлай душманларига қарши кураш соҳасида олиб борган буюк тарихий ишлари ҳақида сўзлади.

Назарий конференциянинг муҳокамасига қўйилган иккинчи масала—диалектик ва тарихий материализм тўғрисида Ўртоқ Абрамян доклад қилди. У, докладининг асосий қисмини Маркс билан Энгельснинг диалектикани ривожлантириш соҳасидаги тарихий хизматларига бағишлади. Ўртоқ Абрамян диалектиканинг асосий белгиларини та'рифлаб берди ва материалистик диалектика билан Гегель диалектикаси ўртасидаги фарқни айтиб ўтди. Маркс билан Энгельс Гегель диалектикасининг идеалистик қобуғини улоқтириб ташлаб, бу диалектиканинг «рационал мағзини» олганликларини равшан қилиб гапириб берди.

Маркс билан Энгельс,— дейди докладчи,— Фейербах материализминнинг идеалистик ва диний-ахлоқий қўйқаларини чиқариб ташлаб, унинг асосий «мағзини» олдилар ва илмий фалсафий материализм назариясини ривожлантирдилар. Докладчи, ижтимоий ҳаётга ва жамият тарихига татбиқ этилган марксистик диалектик метод ва марксистик фалсафий материализмнинг моҳияти ҳақида фактлар келтириб гапирди.

Партиянинг 1912 йилдаги Прага конференцияси тўғрисида Ўртоқ Свенкий доклад қилди. Докладчи, большевикларни жипслаштириш ва уларни мустақил большевистик партия қилиб расмийлаштиришда Прага конференциясининг гоят катта роль ўйнаганини уқдириб ўтди. Ўртоқ Свецкий партиянинг Прага конференциясида муҳокама қилинган масалаларини бирма-бир айтиб берди. Февраль революцияси ҳақида доклад қилган Ўртоқ Романованинг ишчиларнинг революцион ҳаракати ва большевиклар партиясининг бу революциядаги етакчилик роли ҳақида айтган сўзлари конференция қатнашчиларида катта та'сир қолдирди.

Тўрттала доклад юзасидан 19 киши музокарага чиқиб сўзлади. Музокарачилар докладчиларнинг сўзларини янги материаллар, фактлар билан тўлдиришлар. Ўртоқ Олимов «Партиянинг 1905—1907 йилларда халқ оммасини чоризмга қарши революцион курашга уюштириш соҳасида олиб борган ишлари» ҳақида гапириб, бундай деди:

— В. И. Ленин революцияда ғалаба қозонмоқ учун ишчилар ва бутун халқ оммасини уюштириш ва уларни сиёсий қоявий жиҳатдан тинмай тарбиялаб бориш зарур деб та'лим берди. Партиямиз Ленин чизиб берган йўлдан бориб ишчиларни ва барча меҳнаткашларни ўз теварагида жипслаштирди, уларни ғалабасари илгари бошлаб борди. Октябрь социалистик революциясида ғалаба қозонишимизга сабаб бўлган энг муҳим омилларидан бири ана шу.

Музокараларга чиқиб сўзлаган Ўртоқ Николаев «Ленининг народниклиқка ва «легал марксизмга» қарши кураши» деган мавзу'да, Ўртоқ Гродзинский «Империализм капитализмнинг энг юқори босқичи» деган мавзу'да ва Семенихин «1912—1914 йилларда революцион ҳаракатнинг кучайиши» деган мавзу'да сўзлади. Нотиқлар ВКП(б) тарихи қисқа курси китобидан ва Ленин-Сталин асарларидан мисоллар келтириб сўзлаганлар. Улар сиёсий масалаларни тўғри ва атрофлича ҳал этдилар.

Тошкентдаги Ўрта Осиё гидроэнергия лойиҳалаш бошқармаси партия ташкилоти томонидан уюштирилган назарий конференция ана шундай ўтди. Конференция Гидроэнерго лойиҳалаш бошқармасидаги коммунистлар, инженер-техник ходимларнинг марксизм-ленинизм асосларини яхшироқ ўзлаштирганликларини, қоявий-сиёсий ва маданий жиҳатдан бирмунча чиниққанликларини кўрсатди.

1916 ЙИЛДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҚЎЗҒОЛОНИ АРАФАСИДА ТУРКИСТОН

Рус чоризми қирқ йил мобайнида Туркистонни ҳар жиҳатдан эгаллади ва XIX асрнинг 80-нчи йиллари бошида ўз мустамлакасига айлантирди. Бу соҳада 1853 йилда чор қўшинларининг Оқмачит (Қизил ўрда) истиҳкомини босиб олиши, 1860 йилда кенг миқ'ёсдаги ҳарбий ҳаракатлардан кейин Пишпак (Фрунзе) шаҳрининг ишғол қилиниши, 70-нчи йилларда эса, Тошкент ва Самарқанднинг қўлга олиниши асосий воқеалардан бўлди. Бухоро хонлиги Россиянинг вассал давлатига айланди. Рус чоризми Хева ва Қўқон хонликларини (1873—1876 йиллар) ва Туркманистонни ўз ерига қўшиш билан Ўрта Осиёни батамом эгаллади ва Туркистон ўлкасида мустамлакачилик ҳамда шафқатсиз миллий зулм усул идорасини барпо қилди.

Чоризм Россиядаги ҳукмрон эксплоататор синфларнинг, я'ни помещиклар ва капиталистларнинг сиёсатини амалга оширди, Туркистонни забт этди ва Туркистон халқларини эзишга киришди.

Ленин чор Россиясини «халқлар турмаси» деб атади. Россия империясидаги кўп миллатлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳам ана шундай «турма»да азоб-уқубат чекар эди.

Туркистон забт этилиши натижасида бу ўлка мустамлакага айлантирилди. «Чоризм сиёсати, помещиклар ва буржуазия сиёсати рус деҳқонлари ва казаклар орасидан чиққан қулоқ унсурларни мумкин қадар кўпроқ келтириб жойлаштириш ва уларни ўдуғ давлатчилик интилишларининг мустаҳкам таянчига айлантиришдан иборат эди» (Сталин, «Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи», 1937 йил, 209-нчи бет).

Даставвал Оренбург, Урал ва Сибирь казак қўшинларидаги казаклар Туркистон ўлкасига кўчириб жойлаштирилди. Чоризм 1905 — 1907 йиллар революциясидан кейин Россиянинг марказий районларида аграр масаласида бўлган қийинчиликларни бўшаштиришга уриниб, у ерлардаги деҳқонларни Туркистонга кўчира бошлади. Бу чора гоят шафқатсизлик билан амалга оширилди. Маҳаллий деҳқонларга қарашли энг яхши ерлар давлат мулки деб э'лон қилинди ва капиталистлар, амалдорлар ва кўчириб келтирилганлар ихтиёрига берилди. 1915 йилга келганда Еттисувнинг ўзидагина чорвадорларнинг 6 миллион десятинадан ортиқ ери тортиб олинди.

1916 йил бўсағасида ўтган ўн йил ичида Туркистонда капитализм халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига ёйилди. Аммо, бу ўлкада капитализм жуда заиф шаклларда ривожланди.

Чоризм ўлкадаги саноатнинг ривожланишига қасдан халақит берди ва Туркистонни Россиянинг марказий районлари учун хомашё етказиб беручи зироатчилик ўлкасига айлантирди. Бу ҳол доимий қолоқликка сабаб бўлди ва Туркистондаги мазлум халқлар орасида «саноат пролетариатининг пайдо бўлишига ва айниқса ривожланишига тўсқинлик қилди». (Сталин, «Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи», 1937 йил, 208-нчи бет).

Ўзбекистон меҳнаткашларининг оғир аҳволи чет эл капиталининг зулми остида янада мушкуллашди. Чор мустамлакачиларининг миллий-мустамлака зулми ва помещик ҳамда бойларнинг эксплоатацияси билан бирга, ажнабий фабрикантлар ҳам ўлкани эза бошлади. Германия империализми жаҳонга ҳоким бўлишга интилиб, 1914—1918 йиллардаги урушдан кўп илгарироқ Туркистон тупроғига ўз чангалини чўза бошлади. Туркистонда 1916 йил қўзғолонидан аввал немисларнинг «Дюрмидт», «Кноп», «Биродарон Крафтлар» деган савдо ва саноат фирмалари ва бошқа фирмалар кўп эди. Бу фирмалар меҳнаткашларни шафқатсиз эзар эдилар.

Меҳнаткаш деҳқонлар эксплоатация зулми остида жабру-жафо чекдилар. Пахтакор районлардаги деҳқонлар сутхўр бойларга қарам эдилар. Крепостнойлик эксплоатациясининг ўзига хос шакли бўлган чорикорлик авж олган эди.

Деҳқонларни эксплоатация қилиш шаклларидан бири пахта сотиб олучиларнинг пахта устидан қаҳ бериши эди. Пулга муҳтож бўлган деҳқонлар бутун пахта ҳосилини жуда кам баҳода сотар эдилар. Бу ҳол деҳқонларни умрбод қарздор қилиб қўяр эди. 1903 йилда Фарғона водийсидаги деҳқонларнинг қарийб ярми қарздор бўлиб қолган эди. Туркистон генерал-губернаторининг сўзига қараганда, 1914 ва 1915 йилларда Фарғона вилоятидаги деҳқонлардан ундириб олиш учун 16 миллион сўмдан ортиқ миқдорда ижро варақаси берилган эди.

Ҳаддан ташқари кўп солиқлар ва порахўрлик Туркистон ўлкасидаги меҳнаткашларни беҳад эзар эди.

Чоризм талончиликдан иборат мустамлакачилик сиёсати натижасида ўзбек халқини мисли сиз кулфатларга дучор қилди. «Чоризмнинг рус бўлмаган халқларни эзучи жаллод сифатида ҳаракат қилганлигини» (ВКП(б) тарихи қисқа курси, 1946 йил, 6-нчи бет) Туркистон мисолида айниқса яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистонда рус чоризмининг маҳаллий аҳолини талаш ва эзиш ҳамда рус амалдорлари, савдогарлари ва фабрикантларини бойитишга асосланган сиёсати саноат корхоналарининг, асосан енгил саноат ва озиқ-овқат саноат корхоналарининг вужудга келиши ва бир мунча ўсишини талаб этди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида темир йўллар қурилиши Ўзбекистоннинг асосий шаҳарларини Россиядаги саноат марказлари билан боғлади. Темир йўл корхоналарида саноат ишчилари тўпланган эди. Тошкент трамвай жамияти каби корхоналарнинг вужудга келтирилиши маҳаллий миллатлар орасидан саноат ишчиларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси рус помещиклари, савдогарлари ва мустамлакачиларининг ихтиёридан ташқари вужудга келди. Бу корхоналар кейинчалик Ўзбекистонда совет ҳокимиятини барпо қилиш ва социализм қуриш йўлидаги курашни кучайтириб юборишда катта роль ўйнади.

★

Биринчи жаҳон урушининг дастлабки икки йили ичида (қўзғолондан аввал) Туркистон ўлкасидаги меҳнаткашлар қаттиқ мустамлака зулми остида қолдилар. Пахтакор районларда бу зулм айниқса яққол кўринди. Пахтакор районларда пахтанинг баҳоси жуда камайтирилди, Туркистонга келтириладиган ғалла баҳоси эса, жуда ошириб юборилди. Бу ҳол пахтакор меҳнаткашларнинг манфаатларига қаттиқ зарба бўлиб тушди.

Туркистон ўлкасида кётма-кет икки йил мобайнида (1915, 1916 йиллар) жуда кам ҳосил олинди. 1915 йилда 20,5 миллион пуд пахта олинган бўлса, 1916 йилда 16 миллион пудча ҳосил олинди. Кузги экин майдонлари камайди.

Кўчманчи районларда от ва бошқа молларнинг мусодара қилиниши муносабати билан аҳвол айниқса оғирлашди. Улпон ва ҳарбий солиқлар тобора кўпайди. Аҳолидан йиғиб олинган кўп пуллар чор амалдорлари ва оқсоқолларининг ҳам'ёнларига тушар эди. Шундай қилиб жаҳон урушининг дастлабки йилларида Туркистон ўлкасидаги вазият кескинлашган эди.

Туркистон меҳнаткашлари чор ҳукуматининг усул идорасига тобора қаттиқ нафрат ва ғазаб билан қарай бошлаганлар. Чор амалдорларининг ма'лумотномаларида: «Маҳаллий кишилар орасида тирикчилик қийинлашиб қолди, ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди, камбағал ва фақир киши кун сайин бедармон бўлиб қолмоқда, деган гапларни кўп учратиш мумкин» дейилган эди.

1915 йилнинг охири ва 1916 йилнинг бошида ҳозирги Ўзбекистоннинг кўп шаҳарларида ғалаёнлар бўлди. 1916 йил март ойининг бошида Тошкентда очлар ғалаёни бўлди. Оч аёллар тўда-тўда бўлишиб, дўконларни алғоқ-далғоқ қилдилар, ба'зи районлардаги камбағал деҳқонлар қўлларига ҳар нарсани қурол қилиб олиб волость бошқармаларига, бойларга ҳужум қилдилар. Миллий озодлик ҳаракати кучая борди, мустамлака усул идораси тобора қаттиқ кризисга учради.

★

Чор Россиясидаги кўп миллатлар, шунингдек Туркистон халқлари ҳам армия сафига чақирилмас эди, чунки чоризм мазлум халқларга қуролни ишонмас эди. Капиталист ва помещикларнинг қўлида қурол бўлган чор армияси эса, «бегона халқлар»ни эзар ва қон қақшатар эди.

Ўртоқ Молотов СССР Олий Советининг X сессиясида қилган докладида чор Россиясида ба'зи миллат ва халқларнинг ҳарбий хизматга олинмаганлигини айтиб, бундай деган эди: «Масалан, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, Шимолий Кавказдаги халқларнинг кўпчилиги, шунингдек шимолдаги халқлар армияга олинмас эди. Чоризмнинг ўзи мустамлака ёки ярим мустамлака ҳолида сақланган халқларга та'лим, ишонмас эди».

Ҳарбий министрликнинг 1915 йилдаги докладида чор ҳукуматининг ба'зи бир миллатларга қуролни ишонмаганлиги ва улардан қўрққанлиги айниқса яққол кўринди. Ҳарбий министрликнинг докладида бундай дейилган эди: «...Бегона халқ кишилари 3-4 йил мобайнида байроқлар остида бўлиши билан Россиянинг содиқ фуқароси бўлолмайди, аммо улар қуролни ўрганиб оладилар. Шу сабабдан рус армиясининг сафини ана шундай «бегона халқлар» билан ифлослаш ярамайди».

Биринчи жаҳон уруши даврида чоризм Ўрта Осиё халқларини фронт орқасидаги ишларга—мардикорликка сафарбар қилишга мажбур бўлди, чунки уруш давомида чор ҳукуматининг кучлари камайиб қолган эди. Аммо рус чоризмининг бу тадбири миллий озодлик курашини янада кучайтириб юборди ва 1916 йилда Ўрта Осиё халқларининг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди.

1916 йилнинг 25 июнида (эски ҳисоб билан) уруш қизиб кетган бир пайтда чор ҳукумати «ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий йўллар қуриш учун» бошқа бир қанча вилоятлардаги аҳолини, шунингдек Туркистон ўлкасининг аҳолисини мардикорликка олиш тўғрисида фармон чиқарди.

19 ёшдан тортиб 43 ёшгача бўлган эркакларнинг ҳаммаси мардикорликка олиниши керак эди. Туркистон ўлкаси 250 минг киши бериши керак эди. Айни замонда бу қадар кўп кишининг сафарбар қилиниши ҳосилни йиғиштириб олиш ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларини бажаришга халақит берар эди.

Мардикорликка олинганларнинг рўйхати йўқ эди. Жаллолик билан рўйхат туза бошладилар. Чор амалдорлари пора эвазига одамларнинг ёшини камайтириб ёки кўпайтириб ёзар эдилар. Чор ҳукумати пул баравариг бошқаларни ёллаш йўли билан мардикорликдан қутилиб қолишга руҳсат берар эди. Чор ҳукуматининг бу чораси бойларга қўл келган эди. Бойларнинг ўғиллари мардикорликка олинмади, меҳнаткаш деҳқонлар, ишчилар ва шаҳар камбағаллари мардикорликка олиниши керак эди.

Бу чоралар Туркистон ўлкасидаги аҳволни шундай кескинлаштирдики, мардикорликка олиш тўғрисидаги фармон қўзғолон учқунларини алангалатиб юборди. Ўтмишда мустамлакачиларга, ажнабий золимларга қарши кўп марта қўзғолон қилган ўзбек халқи яна бир марта курашга отланди.

Я. СЕРИЙ

Тарих фанлари кандидати.

СЕЛЬМАШЧИЛАР ЎЗ ИШЛАРИДА БУРИЛИШ ЯСАМОҚДАЛАР

Яқинда «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Чирчиқ сельмаш заводида бракка қарши кураш йўқ» деган сарлавҳали хабар босилиб чиққан эди. Хабарда заводнинг орқада судралиб қолаётгани ва маҳсулот ишлаб чиқаришда бракка қарши курашни бўшаштириб юборганлиги кўрсатилган эди. Завод коллективи бу хабарни партия йиғилишида кенг муҳокама қилиб, заводда ҳукм сураётган камчиликларни тезлик билан тугатиш, ҳамда заводни республиканинг илғор корхоналаридан бирига айлантириш учун амалий чоралар кўрди.

Завод партия ташкилотчиси Ўртоқ Савин барча коммунистларни заводнинг ишлабчиқариш участкаларига биркитди. Ҳамма цехларда коммунистлар ташаббуси билан ишлабчиқариш графиклари қайталаб кўриб чиқилди, технология жараёнларини назорат қилиб туриш учун алоҳида коммунистлар ажратилди. Бракка қарши кураш бошланди. Шу мақсадда ишлабчиқаришни пухчамлаш ва ихтиро'чилик ойлиги э'лон қилинди. Бунга заводнинг кўпчилик ишчилари, инженер-техник ходимлари тортилди.

Бундай тадбирлар натижасида заводнинг ишида бурилиш юз берди. Июнь ойида колхозларга 1500 дона окучник йиғиб бериш топшириғи берилган эди. 20 кунда 1.300 окучник тайёр бўлди ва пахтакор колхозларга жўнатилди. Шунингдек 5 минг дона ғўза чопигига мосланган омоч ишлаб чиқариш топшириғи ҳам муддатидан олдин адо этилди. Илгари энг қолоқ ҳисобланган Ўртоқ Шаповаленко бошлиқ қуюв цехининг ишчилари ҳар куни 1800—1900 дона муҳим деталь қуйиб бериб, кунлик графикни ошириб бажармоқдалар.

Кейинги вақтда завод ишчилари бракни тугатиш мақсадида кўпгина яхши маслаҳатлар, фойдали таклифлар бера бошладилар. Ихтиро'чиларнинг ижодий ташаббуси тобора кучаймоқда. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар 105 та фойдали маслаҳат бердилар. Бу таклифлар бирин-кетин амалга оширилаётир.

Ўртоқ Ткаченконинг берган таклифлари айниқса жуда катта аҳамиятга эга. У «Адамс» деган қолип станогини янгидан реконструкция қилишни таклиф этди. Бу таклиф амалга оширилди. Оқибатда брак камайди, ишнинг шу участкасида 21 ишчи кучи иқтисод қилинди, меҳнат унуми бирнеча бор ошди, бир йил бадалида давлатга 100 минг сўм фойда келтириладиган бўлди.

Темирчилик пресс цехининг технологи Ўртоқ Халявка ҳам бирнеча муҳим таклиф-лар берди. Унинг таклифлари камчил 70 «Г» маркали пўлатни иқтисод қилишга ёрдам беради. Вақоланки, бу пўлат етишмай қолган вақтда барча ишлар ётиб қолади. Ўртоқ Халявканинг таклифи билан бир ой бадалида 7 тонна пўлат иқтисод қилинди. Унинг яна бир таклифи билан 41-нчи детальни тайёрловчи махсус станок ишланди. Бу станок бракни тугатишга ва меҳнат унумини оширишга ёрдам берди. Янги ихтиро' қилинган станокда ишловчи Ўртоқ Иванов ҳозир ҳар куни 150 ўрнига, 1500 дона деталь тайёрламоқда.

Қуюв цехининг мастери Ўртоқ Махонько бир қанча яхши маслаҳатлар берди. Шундан 6 таси амалга оширилди.

Цех бошлиғи Ўртоқ Шаповаленко таклифларини амалга ошириш билан йил давомида 50 минг дона ғишт иқтисод қилинадиган бўлди.

Чирчиқ сельмаш заводининг раҳбарлари, партия ва профсоюз ташкилотлари ҳозир бу муваффақиятларни мустаҳкамлаб, заводни энг илғор корхоналар қаторига қўшиш учун, Ўзбекистон пахтакорларига янада кўпроқ қишлоқ хўжалиги машиналари бериш учун курашмоқдалар.

Х. АБУТОЛИПОВ.
Ғ. АҲМАДИЙ.

Колхозчи ўртоқлар! Меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ғўзани парвариш қилишда кейинда қолишга хотима беринг!

Ғўза парваришини кескин равишда кучайтириш керак

Ўзбекистон ССР Техника экинлари министрлигининг буйруғига мувофиқ, ғўзани учинчи чопиқ ва культивация қилиш муддати аллақачон ўтиб кетди. Лекин, Фарғона область, Бағдод районида 8200 гектар ердаги ғўзадан энди 6136 гектари учинчи чопиқ, фақат 1077 гектари тўртинчи чопиқ қилинди.

Ғўзани чопиш, суғориш, қўшимча ўғитлаш ишлари айниқса Ултарма, Қўштегирмон ва Қанғли қишлоқ советларида ёмон аҳволга тушиб қолган. Ултарма қишлоқ советида 477 гектар ердаги ғўзадан 256 гектари, Қўштегирмон қишлоқ советида 790 гектар ғўзадан 432 гектари ва Қанғли қишлоқ советида 635 гектар ғўзадан 445 гектаригина учинчи чопиқдан чиқарилди.

Пахта ҳосилини оширишда ма'дан ўғит қимматли воситадир. Бунинг аҳамиятига тўғри баҳо бера билган пахтакорларимиз давлат томонидан берилган ма'дан ўғитни сра побуд қилмай, ғўза қаторларига вақтида солишга ҳаракат қиладилар. Илғорларнинг ютуғи ҳам ишнинг мана шу энг муҳим томонига яхши э'тибор беришларидадир. Лекин, Бағдод районида ма'дан ўғитдан фойдаланишда бепарволик, э'тиборсизликкина эмас, тўғридан-тўғри жиноят қилинмоқда. Колхозларга ғўза қатор ораларига солиш учун давлат томонидан берилган ма'дан ўғитлар оддий колхозчилар эмас, колхоз раҳбарлари томонидан ҳам ўғирланиб, суп исте'мол қилинаётганини сра ҳам кечириб бўлмайди.

Ултарма қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда кўп ердаги ғўзалар яхши авж олмай, нормадаги ўғитни талаб қилиб ётади. Колхоз раиси Акбар Раҳмонов бўлса, пахтага берилган силитрани қоплаб сотиб, чой пули қилмоқда. Чуриндн қишлоқ советидаги «1-Май» колхозида ҳам ғўзалар айни вақтда ўғитни талаб қилмоқда. Колхоз раиси Мирзакарим Ҳайдаров ферма мудири Хожибой Тешабоев билан бирикиб, колхоз омборидаги 600 килограмм силитрани сотиб ўз шахсий манфаати учун сарф қилиб юборган. Шунингдек, Самарқанд қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Аҳмедов 700 килограммга яқин силитрани ғўзага солиш ўрнига, сотиб юборган. Бу каби ярамас аҳволлар районнинг «Қизил октябрь», Мўминов, Чкалов номли, «Қурилиш» колхозларида ҳам содир бўлмоқда. Шунинг натижасида райондаги колхозларда ғўзалар белгиланган нормага мувофиқ, ма'дан ўғит билан та'минланмай қолмоқдаки, бу, пахта ҳосилига катта зарар бўлаётир. Райондаги 8200 гектар ғўзадан 8 июльгача фақат 2281 гектарига маҳаллий ўғит ва 4910 гектаригагина ма'дан ўғит солинган, халос.

Кўпчилик колхозларда сўнгги кунларда меҳнат интизоми бўшашиб, нормани бажармовчи ва сабабсиз ишга чиқмовчилар сони тобора кўпаймоқда. Кўпчилик колхозларда «ғўзани энди парвариш қилмаса ҳам бўлади» деган қайфият туғилиши орқасида, далага чиқучилар сони камайиб кетаётир. Назоратсизлик орқасида ишга кеч чиқиб, эрта қайтиш ҳам одат тусига кириб бораётир. Шунинг натижасида айрим колхозларда ҳатто 70—80 процент колхозчи нормани бажармайди. Масалан, Сталин номли колхозда ғўза парваришида ишловчи 81 колхозчидан атиги 5—6 киши нормани бажаради. Колхоз раиси Маниор Валиев ҳалигидек хотиржамликка берилган кишилардан бўлгани учун у бундай аҳволни йўқотишга ҳаракат қилмайди.

Ғўзаларни суғоришга келганда районда аҳвол яна ҳам ёмонроқдир. Район сув хўжалиқ бўлимининг (бошлиғи Ўртоқ Муҳтор Аббосов) планига кўра, 1 июньдан 5 июльгача 26 минг гектар ердаги ғўза суғорилиши лозим эди. 6 июльгача атиги 15681 гектар ердаги ғўза суғорилди. Бу рақамдан кўриниб турибдики, районда ғўзани суғориш бардод берилган. Етарли миқдорда сув бўлгани ҳолда, ундан тўла фойдаланиш ўрнига, сув кўпгина исроф қилинмоқда. Шунинг натижасида, кўп колхозларда ғўзалар вақтида сув ичмай, ҳосилини тўкиб юборяётир. Районда 251 гектар ердаги ғўза бир марта ҳам суғорилмай қовжираб ётипти. Бундай ғўзалар «Республика», Дзержинский, Каганович номли, «Большевик» ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларида ҳам бирнеча гектарлаб бор бўлгани ҳолда, бу колхозларга сувлар кўпроқ колхозчиларнинг томорқалари учун фойдаланилади ва кечалари жарларга оқизиб қўйилади.

Бағдод районидаги бундай ярамас аҳволларга чиқиш сра мумкин эмас. Район раҳбарлари (райком секретари Ўртоқ Аҳмедов ва район ижрокомининг раиси Ўртоқ Ҳайдаров) ғўза қатор ораларини ишлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилашлари, чопиқ, культивацияни тобора кучайтириб, ғўзага етарли равишда сув беришни та'мин этишлари лозим. Пахта мўл ҳосили учун курашнинг ҳозирги энг қимматли кунларида қатор ораларига ма'дан ўғит нормалагидек сепилиши ва ма'дан ўғитни исроф қилувчиларга кескин зарба берилиши керак.

М. ШАРИПОВ.

Хоразмнинг пешқадам колхозида

Хоразм область, Урганч район, Қоровул қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золари Каганович номли колхоз а'золарининг мурожаатини зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Хоразмда илғор ҳисобланган бу колхознинг а'золари мурожаат асосида тўртинчи бешйилликда колхознинг истиқболини ривожлантирадиган янги мажбурият қабул қилдилар.

Сталин номли колхоз Улуғ Ватан урушидан илгариги йилларда ҳар гектардан 30 центнерга етказиб пахта олган. Сталинча тўртинчи бешйилликда юқори ҳосилни яна қўлга киритиш, колхозни ҳар тарафлама ривожлантириш юзасидан колхозчилар ўзларига план тузиб олдилар. Колхозда уруғлик пахта майдони бу йилги 6 гектардан 1947 йилда 13 гектарга кўпайтирилиб, бу ерларнинг ҳар гектаридан келгуси йилда 45 центнергача ҳосил олинади. 1950 йилгача колхознинг сувли ери 84 гектар кўпайтирилиб, 480 гектардан 564 гектарга етказилади. Тўртинчи бешйиллиқнинг охирги йилида колхоз ҳар гектаридан 40 центнер пахта беради.

Колхоз а'золари Каганович номли колхоз а'золарининг мурожаатини муҳокама қилган мажлисларида бошқа экин ерларини ҳам кенгайтириб, ҳосилни ошириш, тут кўчатлари ўтказиб, пиллачиликни кенгроқ йўлга қўйиш, боғ-роғларини кенгайтириш каби ишларнинг планини тузишди.

Колхозда беш йил ичида чорвачилик кенг равишда ривожланади. Сталин номли колхоз а'золари тўртинчи бешйиллик ичида отларни 62 дан 110 бошга, қора моллар сонини 217 дан 360 бошга, қўйларнинг сонини 454 бошдан 920 бошга етказишни мўлжаллайдилар. Шунингдек сўғин сигирлардан олинадиган сут ва қўйлардан қирқиладиган жунларнинг ҳам миқдори анча ўсиши мўлжалланади.

Тўртинчи бешйилликда колхоз қишлоғида катта қурилишлар бўлади. Колхоз марказида поселка вужудга келтирилади. Энг камида 100 хўжалик янги уйларга кўчирилади. Янги поселканинг марказида 1000 киши сиғадиган клуб, 10 йиллик мактаб биноси, 1200 лампочкани ёритадиган электростанция, болалар боғчаси, бирнеча ҳонадан иборат колхоз идорасининг биноси, намунали магазин, амбулатория, ҳаммом бинолари қурилади. Дам олиш боғи вужудга келтирилади.

Сталин номли колхоз а'золари бу йил ҳар гектаридан 30 центнер ҳосил олиш учун қўшни Куйбишев номли колхоз а'золарини социалистик мусобақага чақирилар. Бу ҳосил ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сталинчилар пахта мўл ҳосили учун курашни тобора қизитмоқдалар. Каганович номли колхоз а'золарининг мурожаатини муҳокама қилиб, колхозчилар июль ойида энг ками яна икки марта юқори сифатли чопиқ ва культивация ўтказиш, ҳар гал ғўза қатор ораларига нормада кўрсатилганча маҳаллий ва ма'дан ўғит солиш, чеканкани ўз вақтида ўтказиш мажбуриятини устларига олдилар. Колхозчилар ғўза қатор ораларини ишлаш ва ғўзани ўғитлашни пахта терминнинг биринчи кунларигача тинмай давом этдирадилар.

Сталин номли колхоз а'золари ўз устларига олган мажбуриятни бажариш учун ҳозир кунлик нормани бажармай туриб далаларни қайтмайдилар. Колхозчилар ҳар куни эрталаб далага ҳосилот ҳалталарида маҳаллий ўғит олиб борадилар.

Ҳозир колхоз далаларида кишининг завқини келтирадиган қизғин иш боради. Вақтида юқори сифат билан парвариш қилинган ғўзалар бир текис авж олиб, мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

Г. ЖАРКОВ.

Инвалидларнинг унумли иши

— Биз, ожиз бўлсак ҳам соғлардан қолишмай ишлаётирмиз. Корхонамиз олдингилар қаторида. 4 ойдан бери иккита кўчма қизил байроқни ўз қўлимизда сақлаб келамиз,—дейди Каттақўрғон шаҳридаги кўрлар ўқув корхонасининг кекса ишчиси, 60 яшар Ўртоқ Навот Ражабова.

Корхонада 5 та цех бор. Бу цехларда ип йигирилади, ип, арқон эшилади, қанор ва сават тўқилади, матрас тикилади. Бу цех ишчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қизитилган. Арқон ишлайдиган цехда ватан урушининг инвалиди Инот Муродов, Эшназар Солиқовлар энг ҳурматли кишилар ҳисобланади. Солиқов шу куплларда нормасини 300 процентдан ҳам ошириб бажаради. У корхонада ёлғиз эмас. Порҳол Рўзиева, Зиёд Шодиева, Ҳурсан Рўзиева, Навот Ражабова каби 30 лаб стахановчилар бор. Улар ҳар куни 2—2,5 норма адо этиб, ҳар ойда 700—800 сўм иш ҳақи тушираётилар.

Корхона 2-нчи квартал ишлабчиқариш планини 151,3 процент бажарди. Ҳар икки квартала корхона 438.284 сўмлиқдан маҳсулот ишлаб чиқарди, пахта тозалаш заводига 10 мингдан ортиқ қанор тўқиб берилди.

Корхонада инвалидлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Улар учун ётоқхона, ошхона, чойхоналар бор, ҳар куни 3 бор иссиқ овқат берилади. Иш тамом бўлгандан кейинги соатлар кўнгилли ўтказилади. Оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Корхона комсомол комитети (секретари Ўртоқ Иброҳим Аҳмедов) ишчилар ўртасида ҳархил темаларда суҳбатлар, лекциялар ўтказиб туради. Агитатор Г. Тамин ҳар доим ишчиларга газета ўқиб беради.

Кўрлар ўқув корхонасида бу йил яна янги цехлар очилади. Ҳозир бу цехлар учун янги бинолар қурилаётир.

Тоҳир КАРИМОВ.

Кончиларнинг колхозчиларга ёрдами

Лангар конининг ишчилари Хатирчи районидаги пахтакор колхозларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Район партия комитети кончилардан колхозлар учун 200 та от культиваторни ясаб беришни илтимос қилган эди. Кончилар буни қабул қилдилар ва ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланиб, колхозларга 200 ўрнига, 300 та культиватор ясаб бердилар.

Кон ишчилари райондаги биринчи МТС та ҳам яхшигина ёрдам бермоқдалар. МТС да битта ЧТЗ трактори бутунлай ишдан чиқиб қолган эди. Кончилар бу тракторни капитал ремонтдан чиқариб жўнатдилар. Шунингдек улар МТС ошхонасига электр ўтказдилар. Бундан ташқари, Сталин номли колхозни оталикка олдилар ва бу колхозга электр станцияси қуришга ёрдам бера бошладилар.

Кон дирекцияси (директори Ўртоқ Семиров) бошқа колхозларга ҳам шу каби ёрдам кўрсатмоқда.

С. ХУЖАЕВ.

ҚАНД ЛАВЛАГИ ЎСИШДАН ҚОЛМОҚДА

Мирбозор қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг донгдор звено бошлиғи Ўртоқ Салим Қаюмов ўтган йил ҳар гектар ердан 1068 центнер қанд лавлаги олиб, бутун республикада рекорд қўйди. Салим ака бу йил гектаридан 1200 центнер қанд лавлаги етиштириш мажбуриятини олган.

—Лавлаги ҳам пахта каби сермеҳнат экин,—дейди Салим Қаюмов.—У қанча кўп ва яхши парвариш қилинса, ҳосили шунча кўп ҳамда ширали бўлади. Биз буни тажрибада синаб кўрдик. Қанд лавлаги учун май, июнь ойи ўсиш ва июль, август ойи эса, ҳосил тўплаш даври ҳисобланади. Шу пайтда яхши парвариш қилинган ҳарбир туп лавлагига кунига ўрта ҳисоб билан 4 граммдан 6 граммгача ҳосил қўшилади.

Кўш орденли Салим ака Қаюмов бошлиқ звенонинг 5 гектар ердаги қанд лавлагиси уч чопиқ, тўрт культивациядан чиқарилиб, уч марта қондириб суғорилган, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир туп лавлаги бир-бир ярим килограмм ва ундан оғирроқ келади.

Норлой районида бу йил Салим Қаюмов ягона эмас, унга ўхшаш минг центнерчилар анча кўпайган. Қорасирқоқ қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг кекса звено бошлиғи Ботир бобо Боймуродов, Мирбозор қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозининг 17 яшар Ҳаким Эргашев каби ўнлаб звеноларн қанд лавлагидан юқори ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Броқ, Самарқанд областининг асосий лавлагикор районн ҳисобланган ва бу йил 8300 гектар ерга лавлаги эккан Норлой районида илғорларнинг бу қимматли тажрибалари кенг ёйилмаётир. Ўтган йил ўнлаб звеноларнинг гектаридан 700-800 центнердан ҳосил олган бўлса ҳам, районда лавлаги тайёрлаш плани 64 процентда қолган эди. Булгур лавлаги эккан 58 колхозлан фақат 8 таси давлат мажбуриятини адо этди. Лавлаги парваришлаги булгурги ҳато ва камчиликлар бу йил яна такрорланмоқда.

Чақар қишлоқ советидаги Чкалов, Киров, Жуги қишлоқ советидаги «Коминтерн», Ворошилов номли колхозларда аҳвол айниқса ёмон. Чкалов номли колхоз (раиси Ўртоқ Сағдинов) 1945 йилда планни бажармаган, давлатдан бирнеча тонна лавлаги қарздор бўлиб қолди. Ўртоқ Сағдинов бошлиқ колхоз правлениясн ана шу қарзни узиш ва бу йил гектаридан энг камида 250 центнердан лавлаги ҳосили олишга ва'да қилган. Лекин колхозда лавлаги парваришн юзасидан олиб борилаётган иш ва'дага муносиб эмас. Колхознинг 280 гектар ердаги қанд лавлатиси ҳали ҳам иккинчи чопиқдан чиқарилгани йўқ. Даминов, Йўлдошев Ўртоқлар бошлиқ бригадаларда қатор оралари ишланмасдан, лавлагиларни ўт босиб кетган. Бу бригадаларда 9 та Орзиев культиватори бўлгани ҳолда, фақат 5 таси ишлатилмоқда. Чақардаги Киров номли колхозда (раиси Ўртоқ Тўра Жўраев) мавжуд от культиваторларнинг учдан бир қисми ҳам фойдаланилмайди. Бу ерда «кучли от йўқ» деган баҳона билан лавлаги қатор ораларини эски омоч билан «культивация» қилмоқдалар.

Олти ўтил ва Жуги қишлоқ советлари районнинг энг йирик ва ҳал қилучи участкалари ҳисобланади. Аммо, бу қишлоқ советларида ҳам лавлагини парвариш қилиш ҳаддан ташқари суст бораётир. Олти ўтил қишлоқ советида 1045 гектар лавлагидан энди 900 гектари икки чопиқ қилинди ва 400 гектари суғорилди. Шу қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда (раиси Ўртоқ Йўлдошев) 30 гектар, Пушкин номли колхозда (раиси Ўртоқ Комолов) 29 гектар лавлаги шу вақтгача ягона ҳам қилинмаган. Натижада лавлагилар ўсишдан қолиб ётади.

Колхозларда меҳнат интизоми жуда бўш. Баҳолаб ишлаш принципи қўпол равишда бузилган ва прогулчилик авж олган. Масалан, Жуги қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда (раиси Ўртоқ Бобомуродов) 180 киши лавлаги парваришига чиқиши графикда кўрсатилган. Ҳолбуки, июльнинг биринчи бешкунлигида бирор кун ҳам далага чиқучилар сони 130 кишидан ошмади. 5 июль куни 128 киши ишга чиқиб, 15 ўрнига 4,7гектар ерлаги лавлаги чопилди. Мирбозор қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозида 87 киши бир кун бир бригадада ишласа, эртаси куни бошқа бригадада ишлайди. Бригада ва звено бўлиб ишлаш принципини бузиш районнинг кўпчилик колхозларида давом этмоқда.

Районнинг колхозларида битта ҳам намунали дала шийпони ва агитпункт йўқ. Райкомнинг пропаганда-агитация бўлим мудири Ўртоқ Норбоев Янгиқўрғон қишлоқ советига доимий вакил қилиб беркитилган. У ўз идорасига меҳмонга ўхшаб келиб кетади. Аҳвол шундай бўлганидан кейин, районда қандай қилиб оммавий-сиёсий ишлар йўлга қўйилсин?

Ўтган йили лавлагини парвариш қилишда механизациядан ёмон фойдаланилган эди. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда. 1-нчи МТС (директори Ўртоқ Шарватов) берилган графикни бажармаётир. МТС да 17 универсал бор. Шундан 15 таси далага чиқарилган. Буларнинг ҳам ишлашидан бекор турини кўп. Шунинг натижасида 5 июльгача 12.400 гектар ўрнига 5.532 гектар лавлаги культивация қилинди. Мана бу аҳволлар қанд лавлаги семирадиган шу кунларда унинг ўсишдан қолишига сабаб бўлмоқда. Район раҳбарлари эса, бунинг ёмон оқибатларга олиб келишини яхши тушинмаётирлар, шекилли.

Л. ЭРГАШЕВ.
(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

ҚОЛОҚ КОЛХОЗЛАР БЛАН ИШЛАШНИ БОЛЬШЕВИКЧА УЮШТИРАЙЛИК

Сталинча тўртинчи бешйиллик план, колхозларимиз олдига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 27 процент ошириш вазифасини қўйди. Бу улуғвор вазифанинг бажарилиши мамлакатимизда етарли миқдорда озиқ-овқат базаси яратишга имкон беради. Бу вазифани бажариш учун меҳнат унуми борган сари оширилмоғи, қишлоқ-хўжалик экинларидан олинадиган маҳсулот йил сайин кўпаймоғи керак. Айниқса кам қувват, қолоқ деб аталган колхозларимизнинг илғор колхозлар қаторига ўтиши учун унга ҳар тарафлама ёрдам ташкил қилишимиз зарур.

Қолоқ колхозлар блан алоҳида иш олиб бориш ва бу колхозларнинг тез фурсатда илғорлар қаторига ўтишини та'миндаш ҳозирги кунинг энг муҳим вазифасидир. Қолоқ колхозлар блан ишлаш системали, планли ва кундалик ишимизга ойланиши керак.

Биз, энг олдин бу колхозларнинг ўзига хос хусусиятларини, иқтисодий базасини, колхозчиларнинг турмуш ва иш шароитини, куч ва имкониятларини пухта ўрганишимиз ва сўнгра бу колхозларга амалий ёрдам кўрсатиш масаласини ҳартарафлама ҳал қилишимиз зарур.

Бундай колхозларга амалий ёрдамни, шу колхозларни чиниқдан раҳбарлар блан та'миндаш бошлаш керак. Колхозни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун биринчи галда шу колхозларнинг қобилиятли, билимли, кадрлар блан мустаҳкамланишига боғлиқ. Чунки колхоз раисининг мустақил фикри, ташаббуси, ташкилотчилик қобилияти, колхоз а'золарининг маданий-маиший аҳволини яхшилашда ҳал қилучи роль ўйнайди.

Самарқанд область партия комитети бу йил қолоқ колхозлар блан ишлаш ва уларни илғор колхозлар даражасига кўтаришга жиддий э'тибор берди. Областьдаги 139 та қолоқ колхознинг қаёғи блан чуқур танишиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганди. Иккинчидан, колхозларнинг ишига амалий ёрдам кўрсатиш учун кўп амалий тадбирлар белгилади. Энг олдин қолоқ колхозларнинг раҳбарлик аппарати текширилди ва чиниқдан, қобилиятли раҳбарлар ҳисобига мустаҳкамлаш соҳасида жиддий ишлар қилинди.

Ма'мурий хизматчилар составн қайтадан кўриб чиқилди ва колхоз ишини тубдан қайта қуриш ва яхшилашга қодир бўлмаган раҳбарлар колхозчилар умумий мажлисининг қарори блан пастки ишларга кўчирилди, уларнинг ўрнига область ва район партия, совет ва хўжалик аппаратларида ишлаб турган раҳбарлар юборилди.

Яқин 3 ой ичида қолоқ колхозларнинг аппаратини мустаҳкамлаш учун область ташкилотларидан 60 та яқин, район партия, совет ва хўжалик ташкилотларидан 183 киши юборилди. Колхозларга доимий ишлаш учун юборилган кишиларнинг кўп қисми коммунист ва комсомоллардир.

Қолоқ колхозларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун юборилган ўртоқларнинг 81 таси колхоз раиси, 13 таси ҳосилот советининг раиси, 16 таси бригада бошлиғи, 12 таси звено бошлиғи бўлиб сайланди, 22 коммунист колхоз бошлиғи партия ташкилотининг секретарлигига сайланди. Худди шунингдек қолоқ ҳисобланган қишлоқ советларига раис қилиб 18 киши юборилди.

Колхозларга юборилган бу активлар мамлакатга бир миллион бир юз олтмиш минг тонна пахта етказиб беришда ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилган кишилардир.

Ўртоқ Сталин номига ёзилган тарихий мактубда олинган мажбуриятларни бажариш ўзбек халқининг шон-шараф ишидир. Халқимизнинг бутун кучи, билими, ғайрати ана шунга қаратилгандир. Ўз иштаклари блан колхоз даласига чиққан ва шу халқ юришига ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилган активлар айни пайтда қолоқ колхозларимиз ишида жиддий бурилиш ясадилар. колхоз ишини янги изга солдилар. Колхозчи деҳқонларимизнинг фидокорона кучини колхозни тез орада илғор колхозлар қаторига кўтаришга ва бутун давлат топшириқларини бажаришга сафарбар қила олдилар.

Область партия комитети, район совет ва хўжалик ташкилотлари орқали бу колхозларга моддий жиҳатдан ҳам катта ёрдам уюштирди. Бу чора колхоз ишини янги изга солишга катта ёрдам берди. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозларга кўрсатилган амалий ёрдам, бу колхозларнинг илғорлар қаторига ўтишига ёрдам берди.

Бу жиҳатдан қараганда Пойариқ район Саноат қишлоқ советидаги Максим Горький номли колхоз характерлидир. Бу колхоз областьда энг қолоқ колхоз эди. Ўтган йил 180 гектар ерга пахта экиб, планни 63 процент бажарган эди.

Область партия комитети бу йил шу колхоз масаласини бюрода муҳокама қилиб алоҳида тадбирлар белгилади. Колхозга раис қилиб область ижроия комитети раисининг собиқ муовини, Ўртоқ Шодибоев тавсия этилди. Шунингдек ма'мурий аппарат энг қобилиятли кишилар блан мустаҳкамланди. Ундан ташқари узоқ муддатга қарз берилди. Янги асбоб-ускуналар, 80 тонна ма'дан ўғит, галла экиш учун уруғлик ва транспорт берилди. Натижада бу йил колхоз иши тубдан ўзгарди. Колхозчилар ўртасида интизом мустаҳкамланди. Ҳозир пахта учун берилган авансларн тўғри тақсим қилинмоқда.

Ҳозир колхознинг 190 гектар ердаги ғўзаси текис гулга кирган. 4 «универсал», 1 чизель ғўза қатор ораларига ишламоқда. Колхоз коммунистлари колхозчиларнинг ғайратига бош бўлмоқдалар. Колхозни ўшириліпдан чиқариш учун уларни сафарбар қилдилар.

Оқдар'ё район Кумушкент қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз бирнеча йилдан буён давлат мажбуриятларини бажаролмаган ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлиб қолган эди. Уруш йилларида бу колхознинг раиси 7 марта ўзгарган. Бу давр ичида колхознинг экин майдонлари камайган. От-улов кучлари озайиб қолган. Асбоб-ускуналарнинг кўп қисми ишдан чиққан ва колхозчиларнинг иқтисодий аҳволи ҳам анча пасайган. Область партия комитети бу аҳволни муҳокама қилди ва колхозни тиклаш учун тегишли тадбирлар белгилади. Район партия комитети ташкилот-инструкторлик бўлимининг бошлиғи шу қишлоқлик Ўртоқ Расулов колхоз раислигига сайланди. Колхоздаги 7 бригада бошлиғи ва 28 та звено бошлиқлари ишчан, қобилиятли кишилардан белгиланди.

Колхоздаги ҳисоб-китоб ишлари тартибга солинди. Колхозга узоқ муддатли қарз берилди, унга ма'дан ўғит ва бошқа асбоб-ускуналар берилди.

Бу чоралар колхозчиларнинг ғайратини оширди. Ҳозир колхозда пахта мўл ҳосили учун кураш қизғин бораётир. Колхозчилар пахта учун берилган авансларни меҳнат кунларига қараб оладилар. Колхозда бу йил 271 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил бериш учун курашаётирлар.

Шундай қилиб Сталин номли колхоз область ва район партия, совет ташкилотларининг ёрдами блан юксалиш йўлига кирди.

Метон районидаги «Политотдел», Пойариқ районидаги Тельман номли, Пастдаргам районидаги Молотов номли колхозларнинг бир йил ичида жиддий юксалиш йўлига ўтиши, бу колхозларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида қилинган амалий ёрдамнинг натижаларидир.

Қолоқ колхозларни илғорлар қаторига кўтариш жуда муҳим вазифа. Бундай колхозларнинг ўзига хос хусусиятларини, ишга тўсқинлик қилиб турган сабабларни қидириб топиш, ўрганиш ва бу колхознинг тақдирини равшан белгилаш зарур.

Қолоқ колхозлар юзаки равишда кўрсатилган ёрдамлар блангина илғорлар қаторига кўтарилаолмайди. Партия ташкилотларининг бу соҳадаги асосий вазифаси, энг олдин мавжуд қолоқ колхозларнинг ҳисобини олиш ва бу колхозлар блан системали равишда иш олиб боришдир.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган ҳар бир колхозга партия ташкилотининг кундалик э'тибори ва ғамхўрлиги талаб қилинади. Шундагина биз қолоқ колхозларни илғорлар қаторига ўтказишдек мураккаб ва муҳим вазифани большевикча бажарган бўламиз.

Ш. РАШИДОВ.
ЎзК(б)П Самарқанд обкомининг кадрлар бўйича секретари.

Н. Н. МИКЛУХА-МАКЛАЙ

(ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

Рус география фанининг тарихи ғоятда бой. Сайёҳларимиз жаҳоннинг барча қисмини кезганлар. Рус ғуқороси Афанасий Никитин европалилардан биринчи бўлиб Ҳиндистонга йўл очган. Капитан Ф. Беллинсгаузен Антархтидани топган. Пржевальский Марказий Осиёнинг сирини очиб берган. П. Козлов Мўғулистон ҳақида ажойиб кашфиётлар қилган. Бизнинг кемалар Шимолий денгиз йўлини босиб ўтди. Шимолий қутбни большевиклар забт этди.

Бутун дунёё олимлари машҳур сайёҳларимизнинг буюк хизматларига тан бердилар, чунки халқимиз саёҳат ва ном а'лум ўлкаларни ўрганиш соҳасида ҳам кишилик маданиятига қатта ҳиссалар қўшган ва қўшмоқда.

Николай Николаевич Миклуха-Маклай— машҳур рус сайёҳларидан бири. Унинг номи фақат Совет Иттифоқидагина эмас, балки узоқ Австралияда ҳам, қалин ўрмонлар орасидаги Янги Гвинеяда ҳам ҳурмат блан тилга олинади.

Миклуха-Маклай 1846 йил 17 июльда Новгород губернасининг Рождественск қишлоғида туғилиб, ёшлик чоғини Петербургда ўтказди. Гимназия ва университетда тинчгина ўқиш имкониятидан маҳрум этилгач (у, университетдаги чор ма'мурлари блан чиқишолмэди), чет элга кетди. Чор полицияси та'қиб этган табиий фанларни, фалсафа ва медицинани Европа университетларида қунт блан ўрганди. Айни вақтда машҳур олимларнинг лекциялларидан баҳра олди. Айниқса Чарльз Дарқин та'лимотига астойдил берилиб, уни тарғиб қила бошлади. Маклай чет элдалиги вақтида Қанар ороллари, Марокаш, Италия, Испания, Истамбулга ва Арабистон соқилларига (у зрабчани а'ло даражада биолиб олган ва салла ўраса худди араб бўлиб кетар эди), саёҳат қилиб, 1869-нчи йилда яна Россияга қайтиб келди. Петербург География жамиятида ўз саёҳатларидан ахборот бериб, академик Бэр таклифига кўра, Янги Гвинея ороли ҳақидаги ўз ишларини сўради. У, дунёнинг турли иқлимларида ҳайвонот станциялари (музей-парклари) барпо этиш зарурлигини ҳам уқдириб ўтди. Кейинчалик Австралиянинг Сидней шаҳрида шундай станция очилди ҳам, бу станция ҳалигача Маклай номи блан юритилади.

24 ёшли Миклуха-Маклай 1870-нчи йилнинг кузида «Витязь» кемасига тушиб, узоқ ва қалтис сафарга жўнади. Атлантик океан, Жанубий Америка ва баҳайбат Тинч океанни кесиб, бир йил деганда кема рус сайёҳини Янги Гвинея ороли Астролябия номли қўлтиқ соҳилига элтиб қўйди. Уша вақт бу оролда жуда қолоқ кабилалар, ба'зан одамхўрлик блан шуғулланчилар яшар эди. Маклай бу ёввойилар орасида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, аммо, сра бўш келмади, ерли халққа— папуасларга озор ҳам бермай, бирнеча бор ўлимдан қолиб, охири улар блан иноқлашиб олди. Уларга дорилармон бериб турди, қабилалар орасидаги урушларнинг оллини олиб, катта обрў ва ишонч қозонди. Шу блан бирга ўз илмий кузатишларини давом этдирибб. кўп материаллар тўплай олди. Харитада: Константин порти, Витязь ороли, Рози Кишилар архипелаги, Алексей порти каби янги номлар пайдо бўлди. Ерли халқ уни «ҳаким» деб, «Ойдан тушган одам» деб ҳисоблар эди. Маклайга бағишлаб байтлар тўкилди.



15 ойча шу тропик ўрмонлар орасида эсан-омон яшагандан сўнг, Ява оролига кетди ва у ерда саёҳатини якунлаш, материалларини тартибга солиш ва ҳисобот ёзиш блан банд бўлди. Маклай яна бирнеча марта Янги Гвинеянинг ҳали текширилмаган соҳилларига, узоқ-узоқ овулларига қайтиб, ўз илмий текширишларини давом этдирди. Жам'и 10 йил мобайнида тропик мамлакатларни кезди. Малакка ярим оролида митти одамлар қабиласи блан танишди, Тинч океаннинг бошқа оролларида бўлди. Маҳбуслар сургун қилинган маш'ум Янги Каледония оролида Париж коммунарларини кўрди. Қадимги одамларнинг суяги, ҳозирги попуасларнинг урф-одатлари, кун кўриши, ҳайвонат дунёси ҳақида ҳақиқатан ҳам қиммати ва ўша вақтда Европага ма'лум бўлмаган кўп ма'лумотларни тўплади.

Булардан ташқари, ўша хилват жойларнинг тоғ, дар'ёларини, иқлими ва ўсимлигини батафсил тасвирлаб берди. У халқларнинг тилини ўрганиб, луғат тузди. Кўп қизиқ ҳодисаларни аниқлади. Масалан, бир қишлоқнинг аҳолиси иккинчи қишлоқнинг тилига тушинмас экан. У ерда суннат тўйи ҳар 10-15 йилда бўлар экан, бу тўйда 4 ёшдан 19 ёшгача болаларни бир сидрасига суннат қилар эканлар.

Миклуха-Маклай номи ўтган асрнинг 70-80-нчи йилларида шундай машҳур эдики, Россия ва чет эл матбуоти унинг саёҳатларини доимо ёритиб борди. Ҳатто, унинг ҳақида уйдирма хабарлар ҳам тўқилди. Масалан, Маклай ўзини папуасларнинг султони деб э'лон қилипти, уни ёввойилар еб қўйишипти каби гаплар матбуотда ёзилган эди. Маклайнинг инсонпарварлиги, яввойиларга хушмуомала бўлиши, «паст» халқларни ҳурмат қилиши чор амалдорларига ёқмади, албатта. Аммо, илғор рус кишилари, биринчи галда Россия География жамияти бу рус сайёҳига бақадриҳол ёрдам бериб турди. Петербург университетининг студентлари унга қуйидагича хат ёзган эдилар: «Сизнинг номингиз биз учун, рус студентлари учун ниҳоятда қимматлидир. Чунки Сиздек жасур сайёҳлар, инсоният ва фан маш'алини гик кўтарган олимлар унча кўп эмас». Лев Толстой Маклайнинг бирнеча кундалик дафтарлари блан танишиб, шундай жавоб ёзди: «Одамнинг ҳамма ерда ҳам одам эканини Сиз далилар блан исботлаб бердингиз. Бу нарсани астойдил жасорат блан, жамиятимизда камдан-кам кўринадиган маҳорат блан исботлаб бердингиз». Миклуха-Маклай самимий ва ўткир киши бўлганидан, Сидней шаҳри губернаторининг қизига уйлана олди ва ҳеч кимга итоат қилгуси келмаган ёввойиларни ҳам ўзига мафтун этди. Уларда маданиятга ҳурмат блан қараш ҳиссини уйғатди. Тош давридаги кишиларга болтани тақдим этди. Соҳил кишилари ҳали-ҳали «топор»ни унутганлари йўқ.

Миклуха-Маклайнинг муҳим хизматларидан бири — папуаслар ҳақида қиммати ма'лумотлар тўплаганидир. Ёш олимнинг ажойиб фикрлари ирқий назарияга, кейинчалик фашизмнинг дастуриамали бўлиб қолган қабиҳ назарияга қарши қаратилди. У, папуаслар ҳам бошқа кишилардай одам эканлигини исботлаб, қулликка, жабр-зулм сиёсатига дадилона қарши чиқди.

Миклуха-Маклай 1882 йилда ўз ватанига қайтиб келиб, асарларини нашр этиш ҳаракатида юрди ва шу йилнинг ўзидаёқ яна Австралия ва Янги Гвинеяга кетди. Папуаслар блан яна учрашиб, ўз фикрларини тасдиқлайдиган ва кенгайтирадиган фактлар олди. 1886-нчи йили Россияга бутунлай қайтиб, ўзи блан бирга минглаб коллекциялар келтирди. Бу коллекциялар Этнография музейида сақланмоқда. Шунингдек, сайёҳ ўзи чизган расмлар ва кўплаб фотографияларни ҳам олиб келди.

Брок, бу жасур ва ажойиб сайёҳ, Океания қаҳрамони бетаб бўлиб қолди. Подшо ўз ва'дасининг устидан чиқмаганлиги сабабли, Маклай асарлари нашр этилмади. Миклуха-Маклай 1888-нчи йил 2 апрель куни, 42 ёшида вафот этди. Маклайнинг қўл ёзмалари то Октябрь революциясига қадар нашр этилмади. Биринчи томи фақат 1923 йилда, қолганлари сўнгги йилларда нашр этилиб, сўнг китобхонларига манзур бўлди. Маклай ўз васиятномасида, бош суягим география жамиятига берилсин, деган эди. 1938 йили бу васиятнома бажо келтирилди ва сайёҳнинг бош суяги ҳозир СССР География жамиятининг архивида сақланмоқда.

Миклуха-Маклай сиймоси халқимиз хотирасида абадий қолажак. У, бундан 70 йиллар муқаддам ирқ назариясига нафратлар ўқиган, ўлим тушагида ётганда ҳам Германиянинг босқинчилик ҳаракатларига норозилик билдирган, канцлер Бисмаркка аччиқ телеграмма ёзган олим. У, XIX асрдаёқ халқлар дўстлигини ҳимоя қилган гуманист, Россиянинг шуҳратини Тинч океан ороллариг ча етказган ватанпарвардир. Маклайнинг тил ҳақидаги фикрлари кейинчалик академик Марр ҳам ма'қуллади. Янги Гвинея оролида «Маклай соҳили», Ленинградда Маклай номида кўча бор.

Буюк олим, дунёнинг беш қит'асини кезган сайёҳнинг олийжаноб образи илмий ишга илҳомлантиради, ижодий ишимизда бизга намуна бўлади.

Ҳ. ҲАСАНОВ.

МИХАЙЛОВИЧ ВА УНИНГ ШЕРИКЛАРИГА ҲУКМ

БЕЛГРАД, 15 июль (ТАСС). Белград радиоси билдиради: олий суд ҳарбий коллегиясининг мажлисида Михайлович ва унинг шериклариг ҳукм чиқарилди.

Драгомир Михайлович, унинг командири ва сиёсий ходими Младен Жуйович, илгариги командирлардан Милош Глишич ва Радослав Радич, муҳожир ҳукуматнинг собиқ а'зоси Петр Живкович, Недич ҳукуматининг илгариги а'золари Драгомир Иованович, Велибор Ионич, Джуро Докич, Танасие Динич, Коста Мушицки ва Бошко Павловичлар отишга ҳукм қилинди. Ҳукм қилинганларнинг мол-мулклари мусодара қилинади.

Михайлович қўл остидаги собиқ «марказий миллий комитет»нинг раиси Стеван Молевич, бу комитетнинг собиқ а'зоси Живко Топалович, четниклларнинг илгариги командири Слаболюб Вранешевич, муҳожир ҳукуматнинг собиқ бош министри Слободан Иованович, муҳожир ҳукумат ҳарбий маҳкамасининг илгариги бошлиғи Живан Кнежевич ва Вашингтондаги собиқ элчи Константин Фотин 20 йил қамоққа ҳукм қилинди. Буларнинг ҳамма мол-мулки мусодара қилинади.

Муҳожир ҳукуматнинг собиқ бош министри Божидар Пурич 16 йил қамоққа ва ўн йил граждан ҳуқуқларидан маҳрум этилишга; муҳожир ҳукуматнинг илгариги а'зоси Милан Гаврилович 15 йил қамоққа, илгариги сарой министри Радое Кнежевич 10 йил қамоққа; муҳожир ҳукуматнинг собиқ министри Момчило Нинчич 8 йил қамоққа; Михайлович қўл остидаги «марказий миллий комитет»нинг илгариги а'зоси Джуро Вилович 7 йил қамоққа; Коста Кумануди 18 ой қамоққа ҳукм қилинди.

Сиртидан суд қилинган айбдорларнинг ҳаммаси Югославия Федератив Халқ Республикаси табаалигидан маҳрум этилади.

Олий суд чиқарган ҳукм юзасидан шикоят бериш мумкин бўлмаганлиги сабабли, суд ўлимга ҳукм қилинган айбдорларга 15 июль кечқурун соат 8 гача афв сўраб Югославия Халқ Скупшинаси президиумига ариза топширишга руҳсат берди.

Юлия ўлкасида Америка ва Югославия отрядлари ўртасида тўқиниш

БЕЛГРАД, 15 июль (ТАСС). Бутун матбуотда халқ мудофааси корпуси штабининг 14 июльдаги ахбороти э'лон қилинди. Бу ахборотда айтилишича, 12 июльда кечқурун соат 20 дан кейин, Қобариданинг шарқи-жанубидаги Крн қишлоғи яқинида Врсно-Крн томонига қараб йўл олган америка ротасининг олдинги бўлинмаси «А» ва «Б» доиралари ўртасидаги демаркация чизиғидан ўтган. Югославия чегарачилари тўхташни таклиф қилганларида, Америка аскарлари ўт очиб жавоб қайтарганлар. 10 минутча давом этган отишмадан кейин, Америка аскарлари Врсно томонидан ярим соат давом этган пулемёт ўтини пана қилиб, демаркация чизиғидан ғарб томонга чекинганлар. Бу тўқиниш вақтида Югославиянинг чегарачиларидан икки киши ўлган. Америка аскарлари булардан бирининг ўлигини ўзлари блан олиб кетганлар. Чегарачининг ўлиги 13 июль кундуз соат 13 ларда Толминда Югославия чегара соқчиларига топширилган.

ТАНЮГ агентлигининг бу ахбороти шарҳлар блан босиб чиқарилди. Бу шарҳларда айтилишича, Ассошиэйтед Пресс агентлиги, сўнгра Лондон радиоси ва Франс Пресс агентлиги 88-нчи америка дивизиясининг икки ўртадаги низо'ни бузиб тасвирловчи ахборотини э'лон қилганлар.

ТАНЮГ агентлиги халқ мудофааси корпуси штабининг текшириш бошланган чоқда э'лон қилинган ахборотида рад этиб бўлмайдиган қуйидаги фактлар аниқланганлигини та'кидлайди:

1) Демаркация чизиғидан Америка соқчилари ўтдилар;

2) Тўқиниш «Б» доирасидаги Крн қишлоғи ёнида бўлган;

3) Даставвал Америка соқчилари ўт очганлар;

4) Югославия чегарачиларидан икки киши ҳалок бўлган.

Нюрнбергда асосий немис - ҳарбий жиноятчилари устидан суд

9 ИЮЛЬ КЕЧКИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 9 июль (ТАСС). Трибуналнинг кечқурунги мажлисида айбдор Кальтенбруннернинг ҳимоячиси адвокат Кауфман уни ёқлаш сўзини давом этдирди.

Ҳимоячи айбдорнинг гўё, мен Гиммлернинг расмият юзасидангина ўринбосари бўлиб, амалда эса, ахборот хизмати ишлари блангина шуғулланар эдим, деган да'восини тақрорлайди. Бутун жаҳон «кичкина Гитлер» ва «иккинчи Гейдрих» деб атаб келган фашист жаллодни адвокат гўё гитлерчилар тартибига қарши киши қилиб тасвирлайди.

Қисқача танаффусдан сўнг Трибунал адвокат Томнинг ўзи ҳимоя қилаётган Розенберг иши юзасидан ҳимоя сўзини тинглашга киришди.

Ҳимоячи Том сўзининг охири 10 июль эрталабки мажлисда тингланади.

10 ИЮЛЬ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 10 июль (ТАСС). Трибуналнинг эрталабки мажлисида Розенберг ҳимоячиси адвокат Том ўз сўзини давом этдирди.

Адвокат Том турли ма'лумотномалардан узундан-узоқ парчалар келтириб ва «халқаро ҳуқуқ»ка таяниб, немислар босиб олган мамлакатларда қуллар меҳнати жорий этилганлигини, шу мамлакатлардаги аҳолининг, жумладан совет гражданларининг Германияга ҳайдаб олиб кетилганлигини, немисларнинг сан'ат буюмларини талаганликлари ва бошқаларни оқлашга уринади.

Ҳимоячи, Розенбергни «Гитлернинг содиқ муҳлиси эди» ва у «Гитлер чиқарган шиорларга дарҳол амал қилар» ва «чин қалбидан антисемит эди» дейиш блан бирга, ўзи ҳимоя қилаётган айбдорни ҳар тарафлама оппоқ қилиб кўрсатишга уринади.

Ҳимоячи ўз сўзи давомида очиқдан-очиқ антисемит пропаганда қилишга киришади. СССР Бош қўмондони ўртоқ Руденко бунга норозилик билдиради.

Адвокат Томнинг сўзи тамом бўлгач, Трибунал 11 июль эрталабгача танаффус э'лон қилади.

11 ИЮЛЬ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 11 июль (ТАСС). Трибуналнинг бугун эрталабки мажлиси айбдор Франк ҳимоячиси адвокат Зайдльнинг ҳимоя сўзини эшитиш блан ўтди. Адвокат Зайдль ўзи ҳимоя қилаётган айбдорнинг жиноятларини исбот қиладиган жуда кўп ҳужжат ва гувоҳлар баёноти бўлишига қарамай, уни беайб бир одам деб кўрсатишга уринади.

11 ИЮЛЬ КЕЧКИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 11 июль (ТАСС). Трибуналнинг 11 июль кечқурунги мажлисида айбдор Фрикнинг ҳимоячиси адвокат Панненбекер сўзлади. Унинг айтишича, у ҳимоя қилаётган айбдор гўё Германиянинг ички ишлари доирасида иш кўриб, ташқи сиёсат масалаларига аралашмаган эмиш. Ҳимоячи ана шу да'вони рўкач қилиб, шу «асосда» Фрикнинг иши Трибунал кўриши учун муносиб эмас, дейди. Панненбекер Фрикни қамоқ лагерлари, яҳудийларни ўлдириш, бошқа мамлакатларни босиб олишга таллуқли жиноятларда айбли эмас демоқчи бўлади. Бошқа ҳимоячилар каби Панненбекер ҳам бутун айбни ғойиб Гитлерга ва ўлган Гиммлерга юклайди ва шундай қилиб, ўзи ҳимоя қилаётган айбдорни оқлашга уринади.

Кечки мажлиснинг тамом бўлиши олдида айбдор Штрейхери ҳимоячиси адвокат Маркс сўзга чиқди.

12 ИЮЛЬДАГИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 12 июль (ТАСС). Трибуналнинг 12 июльда бўлган эрталабки мажлисида адвокат Маркс айбдор Штрейхерни ёқлаш сўзини тамомлади. Адвокат, Штрейхери қадимги вақтлардан буён ҳақиқий антисемит эди ва антисемитлик пропагандаси олиб борди, дейиш блан бирга, айбдорнинг гуноҳини ҳар тарафлама камайтиришга уринди.

Шундан сўнг Функнинг ҳимоячиси адвокат Заутер сўзлади.

БУЛҒОРИЯДА «ИСПАН ХАЛҚИНИ ВА ДЕМОКРАТИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КОМИТЕТИ» ТУЗИЛДИ

СОФИЯ, 15 июль (ТАСС). Умумий ишчи касаба союзининг ташаббуси блан Софияда мамлакатдаги оммавий маданий-сиёсий ташкилотлар вакилларининг конференцияси бўлди. Конференция Франко Испаниясидаги аҳвол тўғрисида доклад эшитиб, «Испан халқини ва демократияни ҳимоя қилиш комитети» сайлади. Георгий Димитров комитетнинг фахрий раиси, Райко Дамянов комитет раиси қилиб сайланди. Жаҳон касаба союзлари уюшмасининг таклифига мувофиқ, 18 июльдан 15 августгача Франко усул идорасига қарши, испан халқини ҳимоя қилиш юзасидан митинг ва намойишлар ўтказишга қарор қилинди.

ИТАЛИЯДА ҲУКУМАТ ТУЗИЛИШИГА ДОИР

РИМ, 15 июль (ТАСС). Рим радиосининг хабар беришига қараганда, кеча соат 12 да Джустиньяни саройида янги министрларнинг қасам'ёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Бугун янги ҳукуматнинг биринчи мажлиси ўтказилади ва бу мажлисда ҳукумат декларацияси тасдиқ этилади.

13 июльда христиан-демократик, социалистик, коммунистик ва республикачи партияларнинг вакиллари министрларнинг ўринбосарлари қилиб кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар. Кенгаш натижасида министрларнинг ўринбосарлари қилиб ҳарбир партиядан кўрсатиладиган кишилар сони белгиланди. Министрлар ўринбосарлари қилиб христиан-демократик партиядан 10, социалистлардан — 5, коммунистлардан — 5, республикачилар партиясидан — 3 ва мустақилчилардан — 1 киши кўрсатилди.

ИНДОНЕЗИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ГААГА, 15 июль (ТАСС). Антара агентлигининг Индонезиядан хабар беришига қараганда, Голландия қўшинлари Мадура ороли қирғоқларида Индонезия пароходига атака қилганлар ва ботирганлар. Пароходнинг йўлчилари ва экипажи сувга ботмай қутилиб қолиш учун уринганларида, Голландия аскарлари томонидан уларга пулемётлардан ўт очилган. 84 йўлчининг фақат иккитасигина эсон-омон қутилиб қолган.

АНП агентлиги қуйидагиларни билдиради: Голландиянинг қўриқлаб юручи кемалари авиациядан мадад олиб, яқинда Индонезияга қарашли 7 пароходга денгизда атака қилганлар ва бу пароходларнинг бир қисмини экипажлари блан бирга ботирдилар.

Бу агентлик инглиз пиёда аскарларининг бир батальони Палембангга (Суматра ороли) келганлигини ҳам билдиради.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА «ХАРИДОРЛАР ИШТАШЛОВИ»

НЬЮ-ЙОРК, 15 июль (ТАСС). Нью-Йорк радиоси билдиради: Америка Қўшма Штатларида нархи ошиб кетган молларни олмаслик йўлидаги ҳаракат кенг тус олди. «Харидорлар ишташлови» мамлакатнинг турли қисмларида ўз-ўзидан пайдо бўлмоқда. Молларни олмаслик турли шаклда бўлаётир. Ба'зи кишилар нархи ошган молларни сотиб олмай қўйдилар, ба'зилар ўз дўстларини ўзларидан ибрат олишга ундамоқдалар, ба'зи бировлар ўз касаба союзларига мурожаат қилиб, қимматчиликка қарши кураш уюштиришни таклиф этмоқдалар. Нархи ошган молларни сотиб олмаслик йўлидаги ҳаракатда американларнинг касаба союз ташкилотларидан тортиб, сиёсий уюшмаларигача қатнашмоқда.

12 июльда уруш ветеранларининг бир гуруҳи Нью-Йоркдаги серқатнов кўчаларнинг бирида посбон бўлиб, ўткинчиларни нархи ошган молларни сотиб олмасликкка чақирди. Пенсильвания штатидаги шаҳарларда бирида бу ҳаракатнинг ташкилотчиларини касаба союзлари, шаҳар бошлиғи ва шаҳар кенгашининг депутатлари қувватладилар.

БИЛДИРИШ

Шу йил 19 июль кеч соат 8 да Горький номли паркдаги Мюзик Холл театри биносида шаҳар интеллигентлари учун «И. В. Сталин асарларининг биринчи томи» деган мавзу'да лекция бўлади. Лекцияни молия-иқтисод институти марксизм-ленинизм асослари кафедрасининг мудири ўртоқ Яковлев ўқийди.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари
Р. САҲИБОЕВ.

ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ОЛИМПИАДАСИ

ИККИНЧИ КУН

Олимпиаданинг иккинчи куни 15 июльда Ўрта Осиё индустриал институти блан Тошкентдаги хотин-қизлар педагогика институтининг бирлашган драма тўгараги коллективи ўзбек ёш тамошабинлар театри биносида пойтахт тамошабинларига «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасидан икки пардани (саҳнага қўючи ўртоқ Миртолипов) кўрсатди.

Драма тўгарагининг ҳаваскор сан'атчилари қўрикда муваффақият қозондилар. Тоҳир ролини ижро этган индустриал институтининг студенти Файзулла Хўжаев тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Кўрик комиссиясининг а'золари Хўжаевнинг ўз ролини жуда моҳирлик блан ўйнаганини уқдириб ўтдилар. Зуҳра ролида пединститут студенти Мамадалиева ҳам яхши ўйнади. Асардаги рақслар усталик блан ижро қилинди. Бунда Муқимий номли театр артисти Анвар Каримовнинг ўйинларни саҳналаштиришдаги хизмати кўриниб турипти.

Тўгарак а'золари кечанинг иккинчи бўлимида концерт қўйиб бердилар. Индустриал институтининг студенти Саломат Усмонова «Эй сабо» ашуласини жуда яхши айтди. Тамошабинлар қарсақлар блан Саломатхонни иккинчи қайта саҳнага чиқардилар. У яна «Санам», «Қаламлар»ни айтиб берди. Коллектив бўлиб ижро этилган «Муножаат» ўйини ҳам тамошабинларга жуда ёқиб тушди.

Фарғона областининг ҳаваскорлари Муқимий номли театр биносида икки бўлимдан иборат катта концерт кўрсатдилар. Концертда областьнинг Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Тошлоқ, Олтиариқ, Каганович, Молотов районларидан келган ҳаваскорлар қатнашди. Ипак комбинатининг ишчиси Муродова «Тоҳир ва Зуҳра» муздрамасидан олинган ашулани айтиб, тамошабинларни хурсанд қилди. Комбинат ишчиси Бакир Иноятов ўзи дутор чалиб, лапар айтиб берар экан, залдагилар уни қарсаклар блан қарши олдилар. Чилдирма чалиш сан'атини яхши ўзлаштириб олган Қаюм Ҳакимов ҳам тамошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Кечада «Калининнефть» трести ҳузурида тузилган оркестр катта муваффақият қозонди. Оркестр совет композиторлари асарларидан бирнечтасини ижро этди.

Свердлов номли театр биносида меҳнат резервлари мактабларининг ўқучилари ва ходимларидан тузилган катта ашула ва рақс ансамблининг концерти бўлиб ўтди. Ансамблнинг барча а'золари қатнашида Совет Иттифоқи Гимни (А. Александров музикаси) жуда яхши ижро этилди. Тамошабинлар ҳарбир сўзи кишини ғалабага илҳомлантиручи Гимнни оёққа туриб эшитдилар.

2—4-нчи ҳунар мактабларининг қўшма ашула ва рақс ансамбли ЎзССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Али Ардобус бошқариб боришида «Сталин ҳақида қўшиқ», (Содиқов музикаси), «Салом сенга Сталин» (Аджибеков музикаси) қўшиқларини ҳамда қозоқ халқ ашуласини ижро этди. Залдагилар меҳнат резервлари мактабларининг ёш сан'атчиларини самимий табриклaдилар.

Ҳамза номли театрда наманганли ҳаваскорларнинг концерти бўлди. Театр зали тамошабинлар блан лиқ тўлган эди. Деярлик ўзбек халқ қуйлари, ашула ва рақслардан иборат бўлган катта концерт программаси бошидан-оёқ қарсаклар блан қарши олинди. Ўзбек халқ чалғу асбобларининг жўр қилиб боришида коллектив бўлиб ижро қилинган «Мард йигит» ашуласидан тамошабинлар мамнун бўлдилар. 13 ёшли ўқучи Асқар Раҳмоновнинг саҳнага чиқиши ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди. У шоир Уйғунинг «Гўзал қиз» ше'рини худди артистлардек усталик блан ўқиркан, зўр олқишларга сазовор бўлди. Асқаржон яна саҳнага чиқиб, икки марта ше'р ўқиб берди.

Аҳмедов, Убайдуллаевлар айтган ашула, Яқ'ёевнинг ҳаққонлик блан ижро этган рақси, Иброҳимовнинг ёлғиз дутора «Роҳат», «Тўлғай» куйларини чалиб бериши ҳаммага ёқди. Концерт охирида Ҳамза номли театрнинг отокли артистлари наманганли ҳаваскорларга гул даста тақдим қилдилар.

Шу куни Тўқимачилар саройида Тошкент область ҳаваскорлари, Алоқачилар клубида тамаки фабрикаси, алоқа министрлиги, Тоштрам, Ильич номли заводларнинг ҳаваскорлари катта концерт қўйиб берди. Кеча пойтахтдаги клуб ва театрларда ҳаваскорлар тамоша қўйиб беришни давом этдирдилар.

Р. ФАЙЗИЙ.

КЕЛЬЦИДАГИ ВОҚИАЛАР МУНОСАБАТИ БЛАН ПОЛЬША ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ МИНИСТРИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ВАРШАВА, 15 июль (ТАСС). Кельцида яқинда яҳудийларга қарши бўлиб ўтган қирғин муносабати блан (Польша суди бу қирғин қатнашчиларини ҳукм қилди) ма'мурий органларнинг ишларини текшириш учун, воқиа юз берган жойга махсус комиссия юборилди. Хабар беришларига қараганда, комиссия қирғин бўлган пайтда Кельцидаги ма'мурий органлар жадаллик блан ҳаракат қилмаганликларини аниқлади. Комиссия хавфсизлик органларининг вилоят бошқармаси бошлиғи Собчинскийни, вилоят милиция бошқармаси коменданти подполковник Кузьминскийни, унинг ўринбосари Гвяздовични, шунингдек Кельци шаҳри милициясининг коменданти поручик Загорскийни жавобгарликка тортишга қарор қилди. Буларнинг ҳаммаси жамоат хавфсизлиги министри Радкевичнинг фармойишига мувофиқ қамоққа олинди.

Ўзбекистон ССР бадиий ҳаваскорлари ва халқ ижодиёти 2-нчи РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИНИНГ СПЕКТАКЛЬ ВА КОНЦЕРТЛАРИГА ҚУРИКНИНГ ДАВОМИ

17 июльда

СПЕКТАКЛЬЛАР:

ТИКУЧИЛАР САРОЙИДА (Чехов кўчаси) —Шкваркиннинг «Бировнинг боласи» асари. Кироев постановкаси. **Ички ишлар министрлигининг Енгил-техника мактаби коллективи қатнашади.**

КОНЦЕРТЛАР:

ТЎКИМАЧИЛАР САРОЙИДА (Театральная площадь) — **Тошкент область коллективлари қатнашади.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА (Навоий кўчаси) — **Андижон область коллективлари қатнашади.**

ЎЗБЕК ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ БИНОСИДА (Эски Жува) — **Фарғона области коллективлари қатнашади.**

РУС ТЮЗида (Пролетар кўчаси) — **Сурхондар'ё области коллективлари қатнашади.**

ГОРЬКИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА (Карл Маркс кўчаси) — **Самарқанд области коллективлари қатнашади.**

18 июльда

СПЕКТАКЛЬЛАР:

ТИКУЧИЛАР САРОЙИДА (Чехов кўчаси) — Масс ва Куличенколарнинг «Боғлар гуллайди» асари. ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Давидов постановкаси. **Авиатехникум коллективи қатнашади.**

КОНЦЕРТЛАР:

ТЎКИМАЧИЛАР САРОЙИДА (Театральная площадь) — **Проводниклар бригадаси, Қишлоқ хўжалик институти, 3-нчи нон заводи, Мактабгача тарбия техникуми ва Кондитер фабрикасининг коллективлари қатнашади.**

ГОРЬКИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА (Карл Маркс кўчаси) — **Фарғона области коллективлари қатнашади.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА (Навоий кўчаси) — **Бухоро области коллективлари қатнашади.**

ЎЗБЕК ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА (Эски Жува) — **Қашқадар'ё области коллективлари қатнашади.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА (Ҳамза кўчаси) — **Қорақалпоғистон АССР коллективлари қатнашади.**

РУС ТЮЗида (Пролетар кўчаси) — **Наманган области коллективлари қатнашади.**

ТЕМИРИЎЛЧИЛАР САРОЙИДА (Пролетар кўчаси) — **Тошкент области, Фарҳодстрой, Чирчиқ коллективлари қатнашади.**

Спектакльлар ва концертлар кеч соат 8 яримда бошланади. Таклиф билетлари ва олимпиада қатнашчиларининг мандатлари блан киритилади.

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 17 июльда **Тоҳир ва Зуҳра**, 18 июльда **Майсаранинг иши**, 19 июльда **Нурхон**.

ТОШСОВЕТ ТЕАТРИ БИНОСИДА (Беш'ёғоч)—**Республика музика театри** — собиқ Янгийўл область театри томонидан — 18 ва 19 июльда **Хўжа Насриддин**. Кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 12 дан очилади.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Душманлар**; «НАВОИЙ» — **Денгиз батальони**; «9-нчи МАЙ» — **янги бадиий кинокомедия Насриддин афанди** (ўзбек тилида); «ОКТЯБРЬ»—**Балерина**; «ВАТАН» — **Насриддин афанди** (ўзбек тилида); «ХЕВА» — **янги бадиий америка фильми Балерина**; «ИСКРА» — **Партбилет**; «УДАРНИК» — **Балерина**; «ТЕЛЬМАН» — **илмий-популяр фильм Буюк муҳаббат қонуни, киножурналлар Ленинград қизлари, Совет спортчилари Норвегияда**, 18 июльдан **юксак мукофот**; «ПОБЕДА» — **Аринка**, 19 июльдан **Қайтиш**; «ВЕСНА» — **Ўғиллар**, 18 июльдан **217-нчи рақамли одам**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда юқори синфларнинг ўқучилари учун кинофестиваль — 17 июльда **Айбсиз айбдорлар**, 18 июльдан **Лермонтов**; «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Севикли қиз**, 18 июльдан **Денгиз батальони**; «НОВОСТИ ДНЯ» — **Ўғиллар**; «ПОБЕДА» — кечқурун **Аршин мол олон**, 19 июльдан **Безовта хўжалик**.

В. М. Молотов номидаги
ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1946-47 ўқув йилида қуйидаги факультетларнинг 1-нчи курсига
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

1. **Санитария-гигиена факультетига.**
2. **Даволаш факультетига.**
3. **Педиатрия факультетига.**

Ўқиш муддати 6 йил.

Ўқиш ҳақи йилига 400 сўм.

Институтга ўрта ма'лумотли, 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган, кириш имтиҳонини бериб қабул комиссияси томонидан танланган кишилар қабул қилинади.

1945 ва 1946 йилда олтин ва кумуш медальли етуклик аттестати олган кишилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Бошқалар рус тили ва адабиёти, физика ва химиядан 10 йиллик мактаб ҳажмида имтиҳон қилинадилар.

Аризалар 1946 йил 30 июльгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача бўлади. Ўқиш 1946 йил 1 сентябрьда бошланади.

Бошқа жойлардан келганлар ётоқ блан та'минланадилар. Институт ҳузурида ошхона бор.

Дарсда ўлгурган студентларга стипендия тўланади. А'лочиларга оширилган миқдорда стипендия берилади.

Аризани институт директори номига ёзиш, кирмоқчи бўлган факультетини, ётоқхонага эҳтиёжи бор ёки йўқлигини, паспортининг серияси ва номерини ҳамда муфассал адресини кўрсатиш ва қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: 1) ўрта ма'лумотга эга эканлиги ҳақидаги ҳужжатларининг асл нусхаси, 2) ўз қўли блан